БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 186 (4285)
15 АВГУСТ 1980 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

БУГУН ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИДА

Юксак марра эгалланди

● ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ ДОНГДОР ТЎҚУВЧИСИ НИНА ЕРШОВА ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИНИ БАЖАРДИ ● ТОШИРИҚҚА ҚЎШИМЧА 1,8 МИЛЛИОН МЕТР ГАЗЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ. ● «ЎНЛАР ТАШАББУСИ» АМАЛДА: 380 ТЎҚИМАЧИ ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК КАЛЕНДАРИ БЎЙИЧА ИШЛАЯПТИ.

«Нина Васильевна Ершовани катта меҳнат галабаси — икки беш йиллик топшириғини бажарганлиги билан табриклаймиз». Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқувчилик фабрикасининг вестибюлида 13 августда шундай хушхабар пайдо бўлди.

Корхонанинг донгдор тўқувчиси 1976 йил бошидан бери 3.286 минг метр газлама, шу жумладан, 1,8 миллион метр планга қўшимча газлама берди. Нина Васильевна ўнинчи беш йиллик бошидан бери соҳа нормасидаги 24 станок ўрнига 48 станокка хизмат кўрсатиб, шундай рекорд кўрсаткичга эришди. Ёнида тўхтаб қолган ускуналар пайдо бўлганда у, ҳатто, 56—64 станокка хизмат кўрсатишга ҳам ўтди. У бундай зичликда бир неча ой ишлади.

Муваффақият сири оддий. Нина Васильевна меҳнатни ташкил этишнинг инженерлар таклиф этган системасига амал қилади, иш операцияларини бажаришнинг теэкор усулларидан фойдаланади. Жумладан, у ипларнинг узилишини бартараф этишда беш — етти секундни тежайди. Бу жараён кун мобайнида юз марталаб такрорланиши эътиборга олинса, қўшимча станокларга хизмат кўрсатиш учун вақтни тўқувчи қаердан олаётганлигини билиш мумкин.

Илғор тўқувчи кўп йиллик тажрибаси борлигига қарамасдан ўз маҳоратини такомиллаштириши давом этказяпти. Шунинг учун у ишлаб чиқариш кўрсаткичи бўйича комбинатдаги барча кўпстанокчилардан ўзиб кетди, мусобақанинг тан олинган пешқадами бўлиб қолди. Ундан юзлаб меҳнат илғорлари, бутун коллектив намуна оляпти.

Н. В. Ершова ва комбинатнинг бошқа кўп станокчилари — В. И. Солдатова, В. И. Кузнецова, М. И. Асеева, Н. П. Ланкина, К. Екуббоева ўзларининг зарбдор меҳнатлари билан техника моҳир қўллар остида ишлатилиши ёш тўқимачиларга кўрсатишяпти.

Кўпстанокчилар сафи кенгаймоқда. Бу ҳақда 1340 мураббий қайғуряпти. Улар қўл остида 1688 ёш тўқимачи илғор иш усулларини ўрганишяпти. Улар ўз мураббийлари билан биргаликда «КПСС XXVI съездига— 26 зарбдор ҳафта», «Шаҳсий меҳнат туҳфаларимиз — партия съездига» шиорлари остида мусобақалашишяпти.

«Тошкент оқшоми» коллектив мухбири — «Тўқимачилар овози» газета редакцияси.

СУРАТДА: ҳамкасблари Нина Ершовани меҳнат галабаси билан табриклашяпти.

Ф. Апасов фотоси.

Полиграфчиларга байроқ топширилди

«Газета Тошкентга фототелеграф орқали узатилди, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан нашриёти босмахонасида босилди». Ҳозир 11 та марказий газета ва олти журнал шундай ёзув билан босилиб, Ўзбекистон областларига ва бир қатор Иттифоқдош республикаларга юборилади. Бунлар ҳаммаси полиграфчилар фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, касб маҳоратларини оширишда юксак натижаларга эришганликларидан далолат беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти коллективи якунловчи йил ва беш йиллик планлари ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаряпти. Йилнинг фақат етти ойи мобайнида топшириққа қўшимча 117,7 минг сўмлик босма маҳсулот чиқарилди, ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига асосан меҳнат унумдорлигини юксалтириш эвазига эришилди.

Ишлаб чиқаришни тубдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Йил бошидан бери 17 та янги ускука ўрнатилди ва ишга туширилди, бир қатор илғор технологик жараёнлар жорий этилди, юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича тадбирлар амалга ошириляпти. 200 тоннадан ортиқ асосий хом ашё— қоғоз тежалди.

Булар ҳаммаси нашриёт коллективига мамлакатдаги партия органлари полиграфия корхоналари ўртасидаги меҳнат беллашувида биринчи ўринга чиқиш, иккинчи кварталдаги Бутииттифоқ мусобақаси якуни бўйича КПСС Марказий Комитети ишлар бошқармаси ва маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритиш имконини берди.

Нашриёт коллективининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров байроқни топшираётиб, полиграфчиларни юксак муваффақиятлар билан қизғин табриклади, уларга КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш бўйича бошланган социалистик мусобақада муваффақиятлар тилади.

Митингда сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг директори И. Шоғуломов, линотипистка Л. Бураулёва, печатниклар бригадири Б. Миродилов, комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи Э. Пак ва бошқалар юксак муваффақиятларни қўлга киритамиз, деб кўпчиликни ишонтиришди.

Йиғилишда КПСС XXVI съезди ва Улуғ Октябрнинг 63 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Йил охиригача планга қўшимча 170 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бу йилгаси қабул қилинган мажбуриятдагидан 25 минг сўмлик кўпдир. Ўнинчи беш йиллик топшириғи Улуғ Октябрнинг 63 йиллигига қадар бажарилади. 7 октябрда — СССР янги Конституциясининг уч йиллигида тежалган қоғоз билан бир миллион нусха байрам газеталари чиқаради.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишлар бошқарувчиси Т. У. Умаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири Т. Р. Абдушукуров иштирок этди.

Муддатидан илгари

Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш ҳаракатига пойтахт қурувчилари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бинокорлар КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақада фаол иштирок этишмоқда.

«Марказ— 17» кварталида қурилаётган 1568 ўринли мактаб биносида қурилиш-монтаж ишларини Тошкент қурилиш бош бошқармасига қарашли 6-трестнинг 70-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари олиб боришяпти. Улар ўз муддатида сайқалчиларга иш фронти яратиб беришди. Мактабда пардозлаш ишларини 1-пардозлаш трестининг 29-қурилиш бошқармаси ишчилари жадал суръатларда олиб боришмоқда. Бугунгача 40 синф хонасининг ҳаммаси сифатли ремонтдан чиқарилди.

— Бу ерда 229 минг сўмлик иш бажаришимиз лозим бўлса, бугунгача 210 минг сўмлик қурилиш ишларини амалга оширдик, — дейди участка бошлиғи З. Муҳамедов.

Пардозловчилар «Беш кунликни тўрт кунда бажарамиз!» шиори остида меҳнат қилмоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

✦ Корея Совет Армияси томонидан озод қилинганлигининг 35 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Корея Халқ Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Ким Ир Сенга, Корея Халқ Демократик Республикаси Маъмурий кенгашининг Бош министри ўртоқ Ли Ден Окка табрик телеграммаси йўлладилар.

✦ Ўртоқ Л. И. Брежнев Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлигининг С. М. Киров номли Тирасполь қуйма машиналар заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини ўнинчи беш йиллик топшириқларининг муддатидан илгари бажарилганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг юксак суръатларига эришилганлиги муносабати билан самимий табриклайди.

✦ Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Э. Хонеккер 14 август куни Қримдан ватанига жўнаб кетди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Бутииттифоқ «Гипровуз» институтининг Тошкент филиалида архитекторлар ва конструкторлар коллегияси навбатдаги лойиҳалар муҳокамасини ўтказди.

Ана шу лойиҳалардан бири Самарқанд Давлат медицина институтининг янги биноси бўлиб, уни Абдувоҳид Эргашев бошлиқ архитекторлар группаси ишлаб чиқди.

Медицина институтининг бўлажак биноси тўққиз қаватдан иборат бўлади. Беш мингдан ортиқ студентга мўлжаллаб қурилаётган тиббиётнинг янги, даргоҳи жами 40 гектар майдонни эгаллайди. Бош корпусдан ташқари бу территорияда институтнинг хисобхона-бари, касалхона ҳамда врачлар малакасини ошириш институти қурилиши ҳам лойиҳалаштирилган.

Лойиҳа асосида қурилишлар Самарқанд шаҳрининг аэропортга олтадиган кўчасининг ўнг томонида келаси йили бошланади.

●

пойафзалчилар маданият саройининг вокал-чолғу ҳамда миллий чолғу ансамбллари коллективи пойтахт областининг отлиқдаги Ғалаба райони хўжаликларига қилган уч кунлик сафаридан қайтиб келди. Иккала ансамбль районнинг «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Коммунизм» колхоз ва совхозларида ранг-баранг программада 12 марта концерт берди. Қишлоқ меҳнаткашлари билан ансамбллар учрашуви биринчи марта бўлаётгани йўқ.

— Санъат коллективимизнинг, —дейди маданият саройи раҳбари Г. Юдина, —меҳнаткашлар билан мустаҳкам алоқада эканидан биз ниҳоятда мамнунмиз. Нега деганда далаларда филоқорона меҳнат қилаётган кишилар учун қўшиқ айтиш завқ бағишлайди.

Бугун

шаҳримизда жойлашган пионер лагерларини навбатдаги— учинчи смена пионерлари билан тўлдириш ишлари ниҳоясига етди.

Пойтахтимизнинг Ленин районида ҳам бу иш муваффақият билан якунланди. Айни пайтда «Восход», «Орлёнок», «Чебурашка», «Гунча» ҳамда Абдулла Набиев номли пионер лагерларида район меҳнаткашларининг мингга яқин фарзандлари ёзни қувноқ ўтказиб, ҳордиқ чиқармоқдалар.

●

Янги бунёд этилаётган «Қорасув—3» массивида 320 ўринли янги болалар боғчаси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Кичкинтойларнинг бу масканини «Главташкентстрой» 8-трестига қарашли 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг Тоҳир Исмоилов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси қурди. Пардозлаш трестининг 31-бошқармаси бригадалари боғчага бежирим қилиб сайқал беришди.

Яқин кунларда янги боғча массив хонадонларининг кичкинтойларини қабул қилиб олади.

●

Республика ҳунар-техника таълими давлат комитети маданият уйининг «Ҳилола» ашула ва рақс ансамблининг навбатдаги концерти бўлиб ўтди.

Ансамбль яқиндагина Москва Олимпиадасидан қайтиб келди. Олимпиада ўйинларга давомида ансамбль 13 маротаба концерт берди. Бу чиқишлар 12 мингдан ортиқ томошабин олқишига сазовор бўлди. 50 кишидан иборат ансамбль коллективининг Ватанимиз пойтахтидаги Марказий маданият боғида, интерклубларда, шунингдек Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш қилинган концертларини москваликлар билан бирга чет эллик меҳмонлар ҳам завқ билан томоша қилишди.

— Ансамблимиз, — дейди маданият уйи директори М. Ўмрзоқов, —ҳар бир сафаридан, ҳар чиқишидан сўнг ўз репертуарини янгилаб туради.

Ўзбекистон ССР Рассомлар союзининг марказий кўргазмалар залида намойиш этилаётган республика ёш рассомларининг асарлари кўргазмаси томошабинлар диққатини жалб этмоқда. Унда кўпсонли мўйқалам усталарининг ранг-баранг асарлари қўйилган.

СУРАТДА: кўргазмалар залида.

Эртага

«Ўзбекистон комсомоли 40 йиллиги» номли маданият ва истироҳат боғида Урта асрлар Шарқининг буюк энциклопедист олими, «Тиббиёт қонунлари» ҳамда қатор тиббий китобларнинг муаллифи Абу Али ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган кеча ўтказилади.

Боғ маъмурияти ҳамда Чилонзор район «Билим» жамияти томонидан уюштириладиган бу кечада буюк олимнинг ҳаётига, биографиясига доир лекциялардан ташқари унинг илмий фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилади. Бу кеча, истироҳат боғида буюк олимга бағишлаб ўтказилган кечаларнинг иккинчисидир.

Ташаббускорлар ғайрати

Шу йил бошида Б. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида шаҳримиздаги бир гуруҳ корхоналар оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишган эди. Бу корхоналар орасида «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг мебелсозлари ҳам бор эди. Коллектив юбилей арафасида гайрат билан меҳнат қилиб, берган ваъдаларини муваффақиятли адо этди. Юбилей арафасида бу ерда планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот қариб ярим миллион сўмликни ташкил этган эди. Корхонадаги жадал меҳнат суръати доҳий юбилейидан кейин ҳам давом этяпти. Етти ойлик меҳнат натижалари бўйича планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот 8 юз минг сўмликдан ортиб кетди.

Бирлашмада бу йил 40 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилиши керак. Ҳозирги меҳнат суръати бу вазифа муваффақиятли адо этилишидан далолат беряпти. Коллективда фабрикалараро ташкил этилган социалистик мусобақада 2-фабрика мебелсозлари намуна бўлаяпти.

Беш йилликнинг якунловчи йилида корхонада буюмлар сифатини яхшилашга ҳам катта аҳамият бериляпти.

Йил бошидан бери бирлашмада 25 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

«Ўзбекгазмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективида КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун авж олаётган мусобақада йиғувчи-слесарлар Геннадий Евтаев ва Вадим Шчербаков фаол иштирок этишяпти. Улар оилик иш нормаларини мунтазам 120 —130 процент адо этиб, ҳамкасбларига намуна бўлишяпти. Бу ишчилар йиққан газ плиталарини сифат назоратчилари доим юқори баҳолашади.

СУРАТДА: илғор йиғувчи-слесарлар (чапдан-ўнгга) Геннадий Евтаев ва Вадим Шчербаков.

М. Нуриддинов фотоси.



«Олимпиада-80» садоси

«ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ САҚЛАЙМИЗ»

XXII Олимпиада ташкилий комитети ўйинлар ўтказилаётган вақтда шундай справка берди: Олимпиада ўйинлари қатнашчилари ва меҳмонларининг деярли 70 процентга якини беллашувлар ниҳоясига етганидан кейин Ўрта Осиёга бориш нияти борлигини маълум қилди. Улар биринчи навбатда Тошкент, Бухоро ва Самарқандда бўлишмоқчи.

... Тошкент аэропортининг халқаро бўлимидаги дафтарга Олимпиада ўйинлари қатнашчилари ва меҳмонларининг ўнлаб ташаккурномалари ёзилган. Улар инглиз, француз, немис, япон ва бошқа халқларнинг тилларида битилган.

— Меҳмонларни биз катта тайёргарлик билан кутиб олдик, — дейди Халқаро бўлимнинг бошлиғи С. О. Файрузов. — Биз барча хоналарни аввалдан тартибга келтириб ва жиҳозлаб қўйган эдик. Олимпиада программасида ҳисобланган шартномани таърифлаб шундай деди: «Бундан 10 йил мукаддам Москва шартномаси имзоланган пайтда бу воқеага ҳаклн равишда янги тарихий даврнинг — қитъада ҳар томонлама амалий ҳамкорлик даврининг мукаддимаси деб баҳо берилди». Ҳозирги кунда бу шартноманинг ўн йиллиги нишонланмоқда.

Дарҳақиқат, шартнома СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш соҳасида ҳал қилувчи роль ўйнабгина қолмай, ГФРда ҳукмрон социал-демократик партиянинг раиси В. Брандт таъкидлаб ўтганидек, «Европани нисбатан барқарор қитъага айлантиришга ҳам ёрдам берди.

Шартнома иккинчи жаҳон уруши натижасида қитъада таркиб топган чегараларнинг имзоланган шартномаларига қандай хизмат кўрсатилаётганлигини аниқлаш учун ҳаж мавсуми асосида махсус тайёргарлик кўрдик. Мақсадимиз сайёҳларни мамлакатимизнинг тарихи, унинг бугунги куни, физкультура ва спортнинг тараққиёти билан мукаммал таништириш эди. Бизнинг учун ҳам бўлимнинг барча ходимлари махсус курсда таълим олишди. Меҳмонлар учун жуда кўп чиройли стендлар, совға буюмлари билан савдо қилувчи магазинлар ташкил қилинган. «Олимпиада рейси» олдидан спорт викторинаси ўтказилиб, қатнашчиларга совғалар топширилмоқда.

Шу кунларда жуда кўп марта «Олимпиада рейс»лари бажариляпти. Мана, чехословакия ва ГДРлик туристлар хушчақчақлик билан самолётга яқинлашмоқда.

— Уларнинг сафига қўшилинг, — дея таклиф қилди учувчилар. — Самолётимиз бортида Олимпиада қатнашчилари ва меҳмонларига қандай хизмат кўрсатилаётганлигини бажаришнинг теэкор усулларидан фойдаланади. Жумладан, у борт механик Х. Олимқуловлар учишга тайёргарлик ишларини амалга оширишмоқда.

... Тошкент — Бухоро маршрути бўйича бажарилаётган бу рейс Олимпиада ўйинларининг туристик программаси доирасида ўтказилаётганлиги дарҳол кўзга ташланди. Самолётнинг салонида бутун жаҳонга маълум бўлган Аэрофлот ва Олимпиада ўйинларининг рамзи туширилган вимпелларни учратдик.

—Юқорироққа ўтинг, бемалол ўрнашиб ўтиринг, — дея таклиф қилади меҳмонларни борт кузатувчиси Ольга Донскова.

Кабинада ҳаво лайнерининг командири В. Третьяков, иккинчи учувчи Т. Азимов ва борт механик Х. Олимқуловлар учишга тайёргарлик ишларини амалга оширишмоқда.

В. Третьяков командирлик қилаётган экипаж Тошкент авиакорхонаси бўлимнасидаги энг яхши экипажлардан бири ҳисобланади. Командирнинг учувчилик қилаётганига 20 йилдан кўп бўлди. Ўн йилдан буён «АН—24» самолётини бошқармоқда.

Авиаторлар учиш олдидан қисқа-қисқа товуш эшитила бошлади. Экипаж Ердаги диспетчерлар билан фикр алмашишаётган эди.

Салонда шу пайт Сирдарёни улуғловчи шеър ўқила бошлади. Уни Ольга Донскова ўқиётган эди. У махсус тайёргарликдан ўтмаган бўлса ҳам, шеърни жуда ифодали ўқиди. Айтгандай, у яқинда Тошкентда Олимпиада меҳмонларига хизмат қилиш топширилган лидан харитани яна бир бор кўздан кечиришди. Самолётнинг моторлари ва пассажирларнинг учишга тайёр эканликларини назоратдан ўтказишди.

Орадан бир неча минут ўтгандан кейин биз ҳавога кўтарилдик. Кабу суръатда ўзи учун фойдали бўлган кўп нарсаларни ўрганиб олганлиги сезилиб турибди. У Сирдарё ҳақидаги монологни ўқиб бўлганидан кейин Қизилқумнинг шу куни, гўзал шаҳар Навоий ва ўстидан учиб ўтилган бошқа шаҳарлар ҳақида жуда мазмунли ҳикоя қилиб берди.

—Сизга катта раҳмат!

Бу сўз самолёт ерга қўнганидан кейин рус, немис, чех тилларида жаранглади.

Орадан бир соат ўтганидан кейин меҳмонлар Бухоро аэропорти Халқаро бўлимининг ходимларига ҳам яхши хизмат кўрсатилганлиги авиаторлар учун ташкил қилинган курсни тамомлаган эди. Ёш қиз бу курсда ўзи учун фойдали бўлган кўп нарсаларни ўрганиб олганлиги сезилиб турибди. У Сирдарё ҳақидаги монологни ўқиб бўлганидан кейин Қизилқумнинг шу куни, гўзал шаҳар Навоий ва ўстидан учиб ўтилган бошқа шаҳарлар ҳақида жуда мазмунли ҳикоя қилиб берди.

—Сизга катта раҳмат!

Бу сўз самолёт ерга қўнганидан кейин рус, немис, чех тилларида жаранглади.

Орадан бир соат ўтганидан кейин меҳмонлар Бухоро аэропорти Халқаро бўлимининг ходимларига ҳам яхши хизмат кўрсатилганлиги меҳмонларга хизмат кўрсатиш штаби аъзоларини йиғиб, планёрка ўтказади.

Штабнинг ташаббуси билан меҳмонларга хизмат кўрсатишга Бухоро педагогика институтининг энг яхши студентлари жалб қилинди.

Мана, «Интурист» вакили Манзура Иброҳимова бошчилик қилаётган болгариялик туристлар бинога келишди. Биз билан бирга учиб келган чехословакиялик ва ГДРлик меҳмонлар қадимий Бухоронинг архитектура ёдгорликлари ва қурилишлари билан эртага танишадиган бўлишса, болгариялик дўстларимиз Чор Минор, Арк ва шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойларини кўриб қайтишди.

— Кўрганларимиз бизда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди С. Ралчев.—Биз учун Ўзбекистон, унинг ажойиб одамлари билан танишиш Москва Олимпиадасини бутун оламга машҳур қилган меҳмондўст эстафетасининг давоми бўлди. Биз Москва, Тошкент, Бухоро ва ўзимиз бўлган бошқа жойларни бир умр қалбимизда саклаб қоламиз. Гўзал Ватанингиз бўйлаб қилган саёҳатимиз ниҳоятда мазмунли бўлди.

Ю. КАЗАЧЕНКО.

● ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

Янги давр мукаддимаси

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Кремлда ГФР федерал канцлери Г. Шмидт шарафига берилган зиёфат вактида 1970 йил 12 августда СССР билан ГФР ўртасида имзоланган шартномани таърифлаб шундай деди: «Бундан 10 йил мукаддам Москва шартномаси имзоланган пайтда бу воқеага ҳаклн равишда янги тарихий даврнинг — қитъада ҳар томонлама амалий ҳамкорлик даврининг мукаддимаси деб баҳо берилди». Ҳозирги кунда бу шартноманинг ўн йиллиги нишонланмоқда.

Дарҳақиқат, шартнома СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш соҳасида ҳал қилувчи роль ўйнабгина қолмай, ГФРда ҳукмрон социал-демократик партиянинг раиси В. Брандт таъкидлаб ўтганидек, «Европани нисбатан барқарор қитъага айлантиришга ҳам ёрдам берди.

Шартнома иккинчи жаҳон уруши натижасида қитъада таркиб топган чегараларнинг дахлсизлигини, шунингдек куч билан ёки куч ишлатиш билан тахдид қилишдан воз кечиш принципини юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб берди, ГФРнинг бошқа социалистик мамлакатлар билан ўз муносабатларини нормаллаштириш, Ғарбий Берлин тўғрисида тўрт томонлама битим тузиш ва пировардида 1975 йилда Хельсинкида Умумевропа кенгашининг Якунловчи актини тузиш йўлини очиб берди. Умумевропа кенгаши турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш хартияси бўлди.

Совет — Ғарбий Германия ҳамкорлиги — ҳар икки мамлакат раҳбарларининг сиёсий мулокотлари ҳам, СССР билан ГФР ўртасидаги иқтисодий алоқалар ҳам бу жараёнда катта роль ўйнади. Кейинги ўн йил ичида бу мамлакатлар ўртасидаги товар оборoти қарийб саккиз марта ортганлигини ва Ғарбий Германия капиталистик давлатлар ўртасида савдосотик соҳасида Совет Иттифоқининг энг йирик мижози бўлиб қолганлигини айтиб ўтиш кифоя. Экономика ва саноат соҳасида СССР билан ГФР ўртасида узоқ муддатга мўлжалланган ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида 1978 йилда имзоланган битим 2003 йилгача мўлжалланган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Москва шартномаси ва шундан кейинги йилларда шарқ мамлакатлари билан ғарб мамлакатлари ўртасида тузилган шартнома ва битимлар ғарбдаги империалистик доиралар кескинликнинг юмшатилишига ҳалақит бериш учун уринаётган хозирги мураккаб халқаро вазиятда ҳам ўз аҳамиятини тўла сақлаб колмоқда. Европа халклари кескинликнинг юмшатилиши ўзларига берган ноз-неъмат ва самараларни муносиб баҳоладилар ва улар кескинликни юмшатишнинг оёқ остн қилинишига йўл қўймайдилар.

В. СЕРОВ,
ТАСС шарҳловчиси.

КОММУНИСТНИНГ ШАХСИЙ НАМУНАСИ

Беш кунлик — тўрт кунда

Коммунист Василий Волков етакчилик қилаётган бунёдкорлар зўр кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир бунёд этилаётган Ўзбекистон Госснабининг улкан корпусларида қурилиш-монтаж ишлари суръатини оширишяпти, йил бошида қабул қилинган социалистик мажбуриятда кўрсатилганидек объектни 2 декабрда эмас, Улуғ Октябрь революциясининг 63 йиллиги байрами — 7 ноябргача фойдаланишга топширишга қарор бердилар. Бу объект бригаданинг ўнинчи беш йиллик планидаги охирги объектдир.

Октябрь районининг «Марказ—26» кварталида бунёд этилаётган ётоқхона биносида меҳнат қилаётган коммунист Иван Тен бошлиқ комплекс бригада коллективи ҳам бу объектни Улуғ Октябрнинг 63 йиллигигача фойдаланишга топширмоқчи.

«Главташкентстрой»га қарашли 153-қурилиш трестининг 14-қурилиш бошқармасида меҳнат қилаётган В. Волков ва И. Тен сингари, янги усулда ишлаётган В. Христодулу, В. Румянцев ва бошқалар бошчилик қилаётган бригадаларнинг коллективлари ҳам КПСС XXVI съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, беш кунлик топшириқни тўрт кунда бажаришяпти. Т. НАЖМИЙ.

КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз

Чеварлар муваффақияти

КПСС Марказий Комитети июнь (1980 йил) Пленумининг КПСС XXVI съездини чақириш тўғрисидаги қарорини ва КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съездини муносиб кутиш олиш юзасидан социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорини «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи зўр маннуният билан кутиб олди. Бу муҳим ҳужжатлар бирлашма партия ташкилоти йиғилишида ва цехлардаги йиғилишларда муҳокама қилинди. Партия ва совет халқи ҳаётидаги шонли санани муносиб кутиб олиш бўйича социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

Ҳозир корхонада беш йилликнинг якунловчи йили учун белгиланган топшириқларни муддатидан аввал бажариш учун кураш кенгаймоқда. Бу ҳаракатда илғор чеварлардан М. Рўзимуҳамедова, М. Отахўжаева, М. Рустамова кўбилар кўпчиликка намуна бўлишяпти. Белгиланган топшириқлар тез ва соз бажарилишида коллективнинг уюшқоқлиги, мураббийлик ҳаракати, ростовлик ва янгийўлликларнинг «Қолоқларсиз ишлайлик!» ташаббуси кенг қулоч йёйганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бирлашмада етти ой мобайнида 8 миллион 300 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган топшириқ ортиғи билан бажарилди.

Бу ерда ҳозир ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг асосий қисмини болалар учун аталган кийимлар ташкил этади. Шу йилнинг ўзида 13 хил янги фасондаги кўйлакларни ишлаб чиқиш йўлга қўйилди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун курашни авж олдираётган чеварлар ўнинчи беш йиллик планини 7 октябргача бажаришга интилишяпти.

М. АКРОМОВА.

БОШ МУХБИРИМИЗДАН

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ҳамлар

Шу кунларда Тошкент молия техникумининг бир группа студентлари пойтахт областининг Калинин районига қарашли Ю. Гагарин номли совхоз соҳибкорлари томонидан етиштирилган меваларни йиғиб-териб олишда яқиндан ёрдам беришяпти.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) студентлар М. Раҳматуллаева, М. Алимова, Л. Холиқовалар узилган олмаларни яшикларга жойлашмоқда; (чапда) ўқитувчи Қ. Мавлонов ва студент М. Аҳмедовалар узум узишяпти.

Н. Муҳаммаджонов фотолари.

● ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

МАМНУН БЎЛИШДИ

Ўтган дам олиш кунлари пойтахтимиздаги электр-рўзғор буюмлари заводининг ишчилари энг сўлим масканлардан бўлган Бўстонлиқ районидаги Хумсон қишлоғида бўлишди. Улар бу ерда мириқиб ҳордиқ чиқаришди. «Кристалл» пансионатида, «Хумсон» дам олиш уйида ҳордиқ чиқараётганлар билан суҳбатда бўлишди. Бассейнларда чўмилишиб, шўх Ўгам дарёси, Чорвоқ бўйларида дам олишди.

Дам олиш кунларини мароқли ўтказиб қайтган Мавжуда Мирражабова, Бурҳон Исмоилов, Маҳбуба Абдураззоқова, Матлуба Мирзаева, Салоҳиддин Ғулдошев каби юздан ортиқ қандолатчилар унумли меҳнат қилиб, кунлик топшириқнинг 110—120 процент адо этмоқдалар.

Н. РУСТАМОВА,

«Ёш мухбирлар» университети нинг тингловчиси.

● *Беш йиллик пешқадамлари*

ЦЕХ МАШЪАЛИ

Мухтабар Алимова 1964 йилдан бери «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикув цехида ишлаб келади. Унга тикувчилик сирларини бригада бошлиғи Анна Архипова ўргатган. Ҳозир у эркаклар сорочкаси тикишдаги ҳамма операцияларни пухта билади. Бригада тикувчилари ҳамма маҳсулотни давлат Сифат белгиси билан тайёрлашяпти. Мухтабар опа цех мураббийси Татьяна Михайловна Маковадан ҳам жуда миннатдор. Унинг шу даражага етишида бу аёлнинг ҳиссаси катта.

1972 йилда Мухтабар опанинг ҳаётида қувончли воқеа юз берди. У КПСС сафига қабул қилинди. Коммунистик меҳнат зарбдори бўлган аёлга эзди катта масъулият юклатилган эди. Чунки коммунист меҳнатда ва турмушда барчага намуна бўлиши, ўзига ўлган талабчанликни ошириши керак. Мухтабар опа бу вазифани муваффақиятли уддалади. Кўп вақт ўтмай уни участка партия группаси ташкилотчиси қилиб сайлашди.

Шу кунларда М. Алимова 1982 йилнинг июль ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Биз бундай юқори кўрсаткичларга қандай эришганлиги билан қизиқдик. Тикувчи шундай деди:

— Ютуқларимнинг «сири» шундаки, биринчидан ишга эрта келаман. Тикув машинамнинг қаровини ўрнига қўяман.

Цех бўйича етти ойлик план ортиғи билан бажарилди. Бунда Мухтабар опа ва унинг ҳамкасбларининг ҳам ҳиссаси катта. Тикувчилардан Зумрад Норова, Нафиса Қодирова, Нина Зокировалар ҳам вақтдан ўзиб ишлаб, яхши муваффақиятларга эришмоқдалар.

— Мухтабар опа цехимиз машъали,— дейди биз билан суҳбатда тикув цехи бошлиғи Муаффар Ҳамзабоев. — У ҳамиша планни ортиғи билан бажаради. Энг тажрибали мураббийларимиздан бири. Шу кунгача 50 дан ортиқ шогирд етиштирди. Ундан касб ўрганган ёшлардан Раъно Ниёзова, Шоира Шоюсупова, Манзура Аҳмедовалар шу кунларда корхонада КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун: авж олган мусобақада намуна бўлишяпти.

Мухтабар Алимова ҳам кўпчилик қатори КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун оширилган социалистик мажбуриятқабул қилди. У съезд очиладиган кунгача 2,5 йиллик планни бажаришга ваъда берди. Илғор тикувчи бу ваъдасини адоватта бажаради.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

А. КАРИМОВ, С. ҚУРБОНОВ: Биз спортнинг картинг тури билан шуғулланамиз. Шунинг учун ҳар қуринг биринчи марта қаерда пайдо бўлганлиги ва мамлакатимизда спортнинг бу тури бўйича дастлабки мусобақа қачон ўтказилганлигини билишни истаймиз. Иложи бўлса шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Автомобиль спортининг энг кенжа турларидан бири бўлган картинг асримизнинг 50-йилларида Америка Қўшма Штатларида пайдо бўлган. Унинг ихтирочилари учувчилар бўлишган. Улар ишдан бўш пайтларида оддий темир аравачаларга ғилдирак ва мотор ўрнатиб, бу ўзига хос «машина»ларда тез юриш бўйича мусобақалаша бошлаганлар. Орадан кўп ўтмасдан барча қитъалардаги спорт ихлосмандлари унга қизиқиб қолишган. Шундай қилиб картинг қутилмаган ҳолда вужудга келган.

Мамлакатимиздаги картинг бўйича дастлабки мусобақа 1961 йилда Латвиядаги Вентспилс шаҳрида бўлган. Бу мусобақада, ўн бешта «жажжи» автомобиль қатнашган. Ушанда мамлакатимизда ҳаммаси бўлиб шунча картинг бор эди. Ҳозир у спортнинг энг оммавий турларидан бири бўлиб қолди.

* * *

А. ИСМОИЛОВ: 11 ёшли ўғлимиз бор. У от спорти билан шуғулланмоқчи. Шаҳримизда от спорти бунча қаерда маҳорат ошириш мумкин?

Жавоб: Шаҳримизнинг Олгинтепа кўчасидаги 37-уйда республика олий спорт маҳорати мактаби жойлашган. Бу мактабда от спорти бўйича маҳорат ошириш мумкин. Мактабга ўсмирлар ўн икки бешдан бошлаб қабул қилинади. У ерга бориш учун 3, 23, 20, 29-трамвайлар ва 30-автобусларга чиқиб, «1-гишт заводлари бошқармаси» бекатида тушиш лозим.

* * *

М. ОРЗИЕВ: Бу йил саккизинчи синфга ўқишга бораман. Спортнинг дзю-до тури билан шуғулланиш ниятим бор. Шаҳримиздаги «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятида дзю-до секцияси ҳам оор, деб эшитдим. Шу жамиятнинг адреси ва секцияга қаоул шартлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти Хоразм кўчасидаги 7-уйда, Округ офицерлар уйининг қаршисида жойлашган. У ерга 27, 16, 23-трамвайлар, 8, 4, 1, 18-троллейбусларда бориш мумкин. Дзюдо секциясига врачлар рухсатномасига эга бўлганлар саккиз ёшдан бошлаб қабул қилинади.

* * *

И. СУЛТОНОВ: Тошкент Давлат педагогика институтида ўқийман. Айни пайтда бокс сирларини ўрганиш ниятим бор. Иложи бўлса Фрунзе районида ишлаб турган бокс секциясининг адресини берсангиз.

Жавоб: Сиз спортнинг бокс тури бўйича ўзингиз ўқиётган институт физкультура коллективида ишлаб турган секцияга малака оширишингиз мумкин. Буни амалга ошириш учун физкультура кафедрасига мурожаат қилинг.

* * *

Т. ЗУФАРОВ: Яқинда пенсияга чиқаман. Кейинги ўн йилда кунроқ раҳбарлик лавозимида ишлаганман. Уч йилдан буён эса оддий ишчи бўлиб, ишбай усулида маош олянман. Айтингчи, менга қайси ҳақ ҳисобидан пенсия белгиланади?

Жавоб: Белгиланган тартибга кўра пенсия ёшига тўлган ишчи ва ходимга пенсия унинг илтимосига биноан нейнги ўн йиллик меҳнат стажининг биринчи ёки иккинчи беш йиллигида олган маоши ҳисобидан тайинланади. Бинобарин, Сиз ҳам социал таъминот бўлимидан ўзингизга маъқул бўлган беш йиллик иш ҳақингиз ҳисобидан пенсия тайинлашни илтимос қилишингиз мумкин.

● *Меҳнат семестри~80*

Ёруғ юз билан

Студент қурилиш отрядларининг Бутуниттифоқ зарбдор ҳаракатига Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат медицина институти студентлари ҳам сидқидилдан қўшилишди. Институтнинг 1540 студентини ўз ичига олган отряднинг ярмидан кўпи студент қурилиш отрядларида меҳнат қилмоқда.

Олий ўқув юртида меҳнат семестрига тайёргарлик кўриш январь ойидаёқ бошланган эди. Тайёрлов штабининг ташкил этилиши эса, ишимизни анча енгилаштирди. Шунинг учун студентларимиз учинчи меҳнат семестрига тайёргарлик даврини биринчилар қаторида ниҳоясига етказдилар.

Айни пайтда, отрядларимиз Тошкент шаҳри ва областида, Жиззах ҳамда Россия Федерациясининг Калинин областида меҳнат семестрини давом эттиришмоқда. Ҳозирги кунга қадар улар 680 минг сўмлик қурилиш ишларини бажардилар.

Шу ўринда «Қурувчи» ва «Олимпиадачи» отрядларининг ишини алоҳида таъкидлаш керак. Бу отрядлар ўн саккиз иш кунида 100 минг сўмга яқин ишларни амалга ошириб, белгиланган маррадан ўзиб кетдилар.

Қурилишдан ташқари студентларимиз ижтимоий-тарбиявий ишларни ҳам бажаришмоқда. Жумладан, 28 ўрнига 42 та болалар идорасига ёрдам берилди. Оталикдаги мактаблар кутубхонасига 1120 ўрнига, 1400 китоб топширилди. Агитбригадалар ёрдамида эса 120 марта концерт кечалари уюштирилди. Пландан ташқари бажарилган ишлар ҳисобидан 1050 сўм маблағ тинчлик фондига ўтказилди.

Қурилишларда эса шу кунларда иш қизғин. Студент қурилиш отрядлари фидокорлик намуналарини кўрсатишмоқда. Тошкент Давлат Медицина институти студентларининг меҳнат семестрида эришган ютуқлари эса жонажон партиямизнинг XXVI съездига муносиб туҳфадир. Улар институтимизнинг 60 йиллик юбилейини ҳам ёруғ юз билан кутиб оладилар.

А. ЮСУПОВ,

Тошкент Давлат медицина институти бирлашган «Меднк—80» студент қурилиш отряди штабининг комиссари.

ГАЗЕТХОН ХАБАР БЕРАДИ...

ҲАШАРЧИ СТУДЕНТЛАР

ТошДУ филология факультети рус ва ўзбек группаларидан иборат 25 нафар юқори курс студентлари бу йилги ишлаб чиқариш практикасини Ҳадра майдонидаги эски ўқув корпусини капитал ремонт қилиш ишларида ўтказишмоқда. Ўқитувчи Ю. Мурадян бошчилигидаги бригада аъзоларидан «Зарбдор меҳнатимиз — университет 60 йиллигига!» шиори остида аудитория, ўқув зали, коридор, эшик ва деразаларни сифатли ремонтдан чиқаришмоқда. Г. Арушанян, Э. Петряков, А. Багдасарян, Д. Ҳошимова, М. Мирпулатова сингари аълочи, меҳнатсевар студент-ремонтчилар зиммаларига олган топшириқларни ортиғи билан бажаришиб кўпларга ўрнак бўлишяпти.

— Шу йилнинг 25 августигача ремонт ишларини тугаллашимиз керак, — дейди биз билан суҳбатда Ю. Мурадян. — Бироқ материаллар, асбоб-ускуналар етишмаяпти.

Янги ўқув йилига ҳам оз қолди. Бу йил университет филология факультети рус ва ўзбек группалари студентлари янги ўқув йилини ана шу бинода бошлашади. Ремонт-қурилиш участкасидаги ўртоқлар ишларни ниҳоясига етказишда студент-ремонтчиларга ҳар томонлама ёрдам беришса объект белгиланган муддатда топширилади.

Қ. ТУРАҚУЛОВ.

...ТАНҚИД ҚИЛАДИ

ЧАЛКАШ НОМЕРЛАР

Бешқайрағоч массивида Ильич кўчаси бор. Бу кўча Акмал Икромов, Янгиобод, Ғафур Ғулом, Ойбек номли тўрт маҳаллага чегарадош, Шуни айтиш керакки, Ильич кўчаси энг кўримсиз ўнқир-чўнқир кўча бўлиб, негадир маҳаллалар ўртасида ободонлаштириш борасида сансалорликка тушиб ётибди. Ҳатто кўча чорраҳаларида Ильич кўчаси деган бирорта табличка ҳам йўқ.

Хонадондаги уй номерлари ҳам чалкаш, ваъзи бир хонадонда тартиб номерлари йўқ.

Ильич кўчасининг охирига келганда эса учта хонадоннинг номери бир хил — 17 рақамлидир. Буни қандай тушунса бўлади? Акмал Икромов район ободонлаштириш бошқармасидагилар бундай тартибсизликка қачон барҳам беришади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки Ильич кўчасининг атрофи гулзор бўлиш ўрнига у ерда яшаётган хонадонлар кўча четларига супирги, қовоқ, жўхори, помидор ва шунга ўхшаш кўча хусниини бузадиган экинлар экишган. Ахир уйлар атрофига ранг-баранг гул кўчатлари ўтқазилиб, ободонлаштирилса, кишининг баҳри-дили очиладику.

Л. ҲАМИДОВ, пенсионер.

БИР МАВЗУДА ИККИ ХАТ

САБАБИ — НОМАЪЛУМ

Биз бирлик массивида истиқомат қиламиз. Массивда аҳоли кўп, маиший хизмат кўрсатиш ҳам яхши. Бироқ сув масаласи чатоқ.

Кундузи сув жилдираб оқиб туради-ю, аммо кечки пайт соат 6 дан 10—11 гача мутлақо сув бўлмайди. Бунинг сабаби номаълум. Шаҳар «Водоканал» трести раҳбарлари бунга нима дейишаркин?

Т. РАҲМОНОВ.

* * *

СУВ ҚИДИРИБ

Биз яшаётган Левитан кўчасидаги 14-уйда сув қидириб, челак кўтариб юрганлар кўп. Чунки уйимизнинг пастки қаватида яшовчилар кранни очса, тепадаги хонадонларда сув тезда тўхтаб қолади. Айниқса, ишдан қайтгандан сўнг ювиниш учун сув бўлмаса, жуда қийин бўлар экан. Бу ҳақда «Ташконтканбель» заводига қарашли ЖЭК раҳбарларига бир неча марта мурожаат қилдик. Бироқ ҳеч қандай натижа бўлмаяпти.

Хўш, қачонгача челак кўтариб сув қидириб юрамиз?

А. БУРОНОВ.

● *Бизга ёзадилар*

КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Биз истиқомат қилаётган «Тобассум» маҳалласида бир неча ойдан буён сув танқислиги давом этмоқда. Бундан аҳоли қаттиқ қийғуришяпти. Чунки на водопровод ва на ариқларда сув бор. Эрта баҳорда умид билан ўтқазган ёш ниҳолларимиз сувсизликдан саргайиб, қуриб қоляпти.

Бутун аҳоли 30-уйдаги қудуқдан 2 — 3 кунга етадиган сувни келтириб қўйишади. Маҳалла комитетининг раиси А. Умаров меҳнаткашларнинг шикоятига бефарқ қарамоқда. Афтидан, у аҳолини эмас, кўпроқ ўз уйидаги насос ёрдамида ишлаётган қудуқни ўйласа керак. Маҳалладагилар ундан бекорга хафа бўлаётгани йўқ. Ҳамза район ободонлаштириш бошқармаси ва район «Водоканал» бошқармасидаги ўртоқлар бирор марта ҳолимиздан хабар олишмайди.

Булардан ташқари маҳалла ичкарисида 215-мактабнинг янги биноси қурилаётган эди. Қурувчилар аҳоли билан маслаҳатлашмай туриб шу ердаги ариқни бульдозер билан кўмиб, текислаб юборишди. Афсуски, энди уни тозалаш қийин. Ҳозир бу ерда ҳар хил ахлат, чиқиндилар уйилиб ётибди. Маҳалла ва унинг атрофида телефон йўқ. Зарур бўлиб қолганда «Қўйлиқ» базоридаги телефон будкасига югурганимиз-югурган.

Хўш, бизга ким қарайди, ким бизга ёрдам қўлини чўзиши керак?!

Маҳалла аҳли номидан:

Н. САИДОВ А, ТУРСУНБЕКОВ, Ғ. ЁДГОРОВ ва бошқалар.

жами 18 имзо.

● *Ҳамшаҳарлар, сизлар учун.*

БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛГАН

Энгельс кўчасидаги кафе қошида ярим тайёр маҳсулотлар билан савдо қилувчи магазин очилди. Чиройли қилиб безатилган бу магазин «Марказ—4», «Марказ — 5», кварталларида яшовчи аҳоли учун жуда қулай. Улар бу ердан гўштли, сабзавотли котлетларни, турли консерваларни, совуқ ичимликларни харид қилишлари мумкин.

— Биз,— дейди кафе мудири Тургун Ёқубов, — харидорлар талабини тўлиқ қондиришга ҳаракат қиляпмиз. Олти ойлик план 120 процент қилиб бажарилди. Ярим тайёр маҳсулотлар турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилашга алоҳида эътибор берямиз. Харидорларга намунали хизмат кўрсатишда ярим тайёр таомларни тайёрлаб берувчи Л. Тиллаев ва сотувчи У. Юнусовлар яхши хизмат кўрсатишяпти.

Кейинги йилларда ҳамшаҳарларимиз г а хизмат кўрсатаётган ярим тайёр маҳсулотлар магазинлари кўпайиб боряпти. Бугунги кунда шаҳардаги ана шундай магазинлар сони 69 тага етди. Бундан бештаси шу йил бошидан бери ишга туширилди.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ.

СУРАТДА: магазин ходими Л. Тиллаев харидорга хизмат кўрсатмоқда.

Автор фотоси.

● *Редакция почтасидан*

Автобус қачон келади?

Кейинги йилларда шаҳар транспортининг аҳолига хизмат кўрсатишини яхшилаш мақсадида бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Булар албатта, ижобий роль ўйнамоқда. Аммо, ҳали ҳам баъзи маршрутларда жиддий камчиликлар рўй беряпти.

21 июль куни кеч соат саккизда метронинг «Пахтакор» станцияси ёнидаги автобус бекатига келиб, 14-автобусни кута бошладик. Автобус ҳаделанда келмагандан сўнг диспетчерга мурожаат қилишга тўғри келди.

— 14-маршрутга қатновчи автобус қачон келади?

— Соат тўққиздан кейин автобус умуман бўлмайди,— деб жавоб берди диспетчер А. Муҳаммадалиев.

— Бунинг сабаби нимада эканлигини айта олмайсизми?

— Шоферлар етишмайди... Агрегат заводи маъмурияти бу маршрутни назорат қилиб туради. Заводнинг иш вақтига қараб машиналар графиги тузилади.

Икки ўртада бўлиб ўтган савол-жавобдан 14-автобус маршрути фақат агрегат заводи ишчиларига хизмат кўрсатар экан, деб ўйлаш мумкин. У ҳолда ишчилар шаҳарчаси, агрегат заводи атрофларида яшовчи аҳолига қайси автобус хизмат кўрсатади? Ёки улар кечки соат саккиздан кейин кўчага чиқмай, уйда ўтиришлари керакми? Ушбу савол ларга «Главташпассажтранс» бошқармаси раҳбарлари нима деб жавоб беришаркин.

Р. СИДДИҚХУЖАЕВ.

КОЛЛЕКТИВ ВА ШАХС

У нега ишдан кетди?

Рафаэль бугун ҳам ишга чиқмади. Эртасига ҳам, индинига ҳам...

«Нима бўлдийкин, балки бетоб бўлиб қолгандир, — ўйладим мен,— бўлмаса ҳар доим ишга келарди-ку?!» Агар киши бошқа бир одамга ўрганиб, кўникиб қолса, бир кун ўша одамни кўролмасдан туролмас экан. Мен буни ўзимга қиёс қилиб айтяпман. Рафаэлга шунчалик ўрганиб қолган эдимки, ҳатто ўз туғишган укамдан ҳам ортиқ ҳурмат қилардим уни...

Қоматдор, баланд бўйли, қотмадан келган, ҳали мўйловлари сабза урмаган, балоғат ёшига етмаган, ёш ўспирин йигит Рафаэль Ганунанинг цехимизга ишга келганига эндигина уч ой бўлган, шунга қарамай тери ошлаш машинасида кекса, малакали тери ошловчилар билан баб-баравар ишлар, айрим кунлари ҳатто улардан ҳам кўп маҳсулот ишлаб чиқарарди.

Одатда, бизнинг цехга келган ёш ишчилар дархол асосий касбдаги ишларга қабул қилинмайди. Улар ё шогирд, ё ёрдамчи ишларга қабул қилинади. Лекин Рафаэль Гануца ишга биринчи келган куниёқ тери ошлаш машинасида ишлай бошлади. Бунинг боисини билиш мақсадида бир куни тушлик пайтида ундан сўрадим:

— Нима, сен олдин тери ошлаш машинасида ишлаганмисан?

— Ҳа.

— Қаерда?

— 1-кўн заводида.

— Ёшинг нечада?

— Ўн еттида.

Мен ҳайрон қолдим. Қандай қилиб ўн етти ёшли йигит бир йилдан ортиқ иш стажига эга? Яна 4-разрядли тери ошловчи бўлса? Мен ишонқирамай яна сўрадим:

— Қандай қилиб бир йилнинг ичида 4-разрядли тери ошловчи бўла қолдинг?

— Мен Москвадаги кўнчилик билим юртида тери ошловчилик касбига ўқиганман. Ўша ерда давлат комиссияси мени 4-разрядга лаёқатли деб топди.

Бир куни у сабабсиз ишга чиқмади. Эртасига цехимизнинг умумий мажлисида ёш ишчи Рафаэль Ганунанинг масаласи кўрилди. Унга сабабсиз ишга чиқмаганлиги учун огоҳлантириш эълон қилинди, ойлик мукофотдан маҳрум этилди. Иккинчи марта ҳам сабабсиз ишга чиқмаганида цех бошлиғи ундан тушунтириш хати ёзиб беришини талаб қилди. Р. Ганунца тушунтириш хатида шундай сўзларни ёзган эди: «Бетоб бўлганлигим сабабли ишга чиқмадим. Врач қабулига бормадим. Айб ўзимда. Бундан кейин сабабсиз ишга чиқмаслик такрорланмайди». Бунга жавобан цехимиз бошлиғи Абдулазиз Абдулҳаев дўқ-пўписа қилди:

— Агар яна шундай қилсанг, директор номига рапорт ёзиб, 47-моддага биноан ишдан бўшатаман. Менга бунақа ишчилар керак эмас!..

Мана, шунга ҳам бир йилча бўляпти. Энди коллективимиз орасида ёш малакали ишчи Рафаэль Ганунанинг номи йўқ. У уч ой ҳам ишламасдан ўз хохиши бўйича бўшаб кетди.

Мен ҳамон уни ўйлаймен: унинг тақдири нима бўлди, ҳозир нима иш қиляпти, нега энди биздан бўшаб кетди? Нега энди коллектив уни ўз тарбиясига олмади? Наҳотки, 45-50 ишчи меҳнат қиладиган бир забардаст коллектив мустақил ҳаётга қадам қўяётган бир ёш ишчини, кўринишидан беозор, хушфеъл бир йигитни тарбиялай олмаса?!

Бундан уч йил муқаддам Чилонзор район ички ишлар бўлимининг болалар ва ўсмирлар билан шуғулланувчи бўлинмаси «тарбияси қийин» бўлган Шамиль Хабибуллин деган 16—17 ёшлардаги ўспиринни бизнинг цехимизга ишга жойлаштирган эди. У кўринишидан меҳнаткаш, тиришқоқ йигит эди. Ўзига топширилган вазифани ўз вақтида бажарар, ҳатто белгиланган нормадан ҳам ортиқ бажарадиган бўлди. Бир куни нима бўлди-ю, у ҳам ишга чиқмай қўйди. Суриштирсак, майда безорилиги учун 15 суткага қамалган экан. Муддатини ўтаб, яна бизнинг цехимизда ҳалол меҳнат қила бошлади. Бироз муддатдан сўнг яна кўринмай қолди. Кейин билсак, оғир жиноят учун узоқ муддатга қамалиб кетибди.

Менда бир савол туғилади: шу жиноятнинг олдини олиш мумкинмиди? Менимча, мумкин эди. Ахир инсон жиноятчи ёки безори бўлиб туғилмайди-ку?!.. Бунга албатта бирон нарса сабаб бўлади ё оилавий муҳитнинг ёмонлиги, ё ота-онанинг ўз фарзандига нотўғри тарбия бериши натижасида нохуш ҳодисалар содир бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» ва «Ишлаб чиқаришда кадрлар қўнимсизлиги ва меҳнат интизомини янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорларида ишлаб чиқариш корхоналарида асосий эътиборни сиёсий-тарбиявий ишларга қаратиш, кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш алоҳида уқтириб ўтилган. Лекин кўпчилик корхоналарнинг, цехларнинг, участкаларнинг раҳбарлари бу масалани иккинчи планга қўйиб, асосий эътиборни— давлат планининг бажарилишига қаратмоқдалар. Натижада ишдан бўшаётган ёш ишчиларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Жумладан, биргина бизнинг пардозлаш цехимизда кейинги икки йил мобайнида ўндан ортиқ ёш ишчи бўшаб, уларнинг ўрнига фақатгина икки ишчи қабул қилинди, холос.

Цех раҳбарларининг вазифаси фақат кунлик, квартал, ойлик планлар бажарилишини кузатишдан иборат эмас, балки ёш ишчи кадрларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни ғоявий чиниқтириш вазифаси ҳам унинг зиммасига киради. Яхши цех раҳбари — яхши тарбиячи ҳамдир. У ўз оиласида фарзандларини қандай ғамхўрлик, меҳрибонлик билан тарбияласа, қўл остидаги ёш ишчиларни ҳам худди шу йўсинда, оталарча ғамхўрлик қилиб, уларни чин маънода ҳазрати ишчилар синфининг ҳақиқий ворислари сифатида тарбиялаши лозим ва даркор.

И. ЗОИРОВ,

«Узбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-кўн заводи пардозлаш цехи ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

ТОШКЕНТ тарихидан

100 лавҳа

ТОШКЕНТ ДОРИЛФУНУНИ ҲАҚИДА

55-ЛАВҲА

«Тошкент» меҳмонхонаси олдида тўхтайдиган 9-маршрутка бекатида навбатга турганларнинг охири кўринмайди. Университетда ўқув йили ҳали бошланмаган бўлса ҳам сентябрь тараддуди ўз-ўзидан кўриниб турибди. Бекатда навбатдаги «рафик» келиб тўхташи билан эшиклари очилди. Меҳмонхонадан Студентлар шаҳарчасига етиб бориш учун бор-йўғи 15 минут вақт сарфланади. Айниқса, бундай машиналар ҳамиша кечикиб юрадиган студентлар учун бирмунча қулай. Тўғри, мен бу томонларга студент сифатида аллақачонлардан буён борганим йўқ, хонаси келганда иш юзасидан ҳам йўлим камдан-кам тушиб қолади. Бугун эса шунчаки йўл олдим. Мақсадим ўзим таълим олган дорилфунун —В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетини яна бир кўриш. Биринчи навбатда 13 қаватли осмонўпар бош корпусни кўздан кечириш, филология факультетининг ойнабанди, ёруг галлереясини айланиб чиқиш, ҳашаматли маданият саройини томоша қилиш, университетга ниқаверишдаги қуюқ теракзордаги ўриндиқларда бир оз ўтириб, атрофни томоша қилиш.

Яқиндагина ана шу ерда ўқиган эдим, ундан илгари эса менинг отам таълим олган. Бундан ташқари менга нотаниш бўлган 50 минг йигит ва қизлар қаторида дўстларим ва ҳамкасбларим ҳам худди ана шу ерда ўқишган. Уларнинг кўпчилиги ёзувчилар ва архитекторлар, тарихчилар ва математиклар, географлар ва журналистлар бўлиб камолотга етишишди. Бу камолотли кишилар орасида академиклар ва профессорлар, Давлат мукофоти лауреатлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ҳизмат кўрсатган фан ва маданият арбоблари бор.

Август ойининг яна шу жазирамали кунларининг бирида бу томонга йўл танлашимнинг ўзига хос боиси бор.

...Тошкент ишчилар синфини чор ҳокимиятининг қолган-қутган тўдаларига қарши қатъий курашга чорлаган заводнинг ўша унутилмас гудоги чалинганига орадан ярим йилгина вақт ўтган. Тошкент атрофидаги чўллар ҳамон нотинч, уларда босмачи тўдалари изғиб юрар, шаҳарнинг ўзида ҳам халқ ҳокимиятининг ашаддий душманлари бош кўтаришига сал қолган эди. Ёш республика учун илмий кадрлар тўғрисида самимий ғамхўрлик қилган маҳаллий зиёлиларнинг бир тўдаси эса Тошкентда Туркистон халқ университетини ташкил қилди. Бу ўша пайтда лекторийси, устахоналари, мўъжазгина лабораторийлари бўлган маданий-оқартув типидаги муассаса эди. Уни ташкил этувчилар, кейинчалик машҳур совет олимлари бўлиб танилган В. Романовский, экономист Г. Черданцев биолог Л. Ошанин ана шу олий ўқув юртининг тимсолида йирик олий ўқув юрти вояга етишини равшан тасаввур қилганлар.

Ўша пайтда тошкентликларнинг олий ўқув даргоҳлари ҳақидаги гаплари фақат орзудан иборат эди. Революцияга қадар, масалан, шаҳарда ҳатто ўрта ўқув юртлари —эрлар ва хотин қизлар гимназиялари етишмас эди, бор-йўғи кадет корпуси ва ўқитувчилар семинарийси ишлар эди. Ўша пайтда Тошкент фақат ана шулар билан фахрланарди.

Тошкент олимларини бирлаштириш учун лабораториялар ускуналари етишмас эди. Ўша пайтда Туркистон республикаси Халқ комиссарлигининг Кенгаши ҳамма ишда ҳам ёрдам бераолмас эди. Ўша давржуда ҳам машаққатли бўлган. Мана, ниҳоят, Туркистон делегацияси Тошкентда университет очиш юзасидан илтимос билан Москвага, Ленин ҳузурига йўл олган.

Делегация илтимос билан борган бўлса ҳам, уни жуда ҳам самимий ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан кутиб олинди. Владимир Ильич бундан илгари ўзининг сафдошлари Я. М. Свердлов, Н. К. Крупская, М. В. Фрунзелар билан бўлган суҳбатларида Туркистонда университет жуда ҳам зарурлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган эди. В. И. Ленининг фикрларига қараганда, Ўрта Осиёнинг тўнғич университети фақатгина янги-янги кадрларни тайёрловчи олий ўқув юрти бўлиб қолмасдан, айни пайтда республиканга халқ хўжалигини ривожлантиришда ёрдам берадиган, илмий проблемаларни ҳал этишга қодир бўлган илмий муассаса бўлиб қолиши кўзда тутилган эди.

Делегация Москвага бориши билан ўша кезларнинг ўзида «Туркистон Давлат университетининг ташкилий комитети» тасдиқланди. Ленин кўрсатмасига биноан Москва ва Петроград йирик олий ўқув юртларидан кадрлар танлаш, ускуналарни ташкил этишга ёрдамлашиш, улар учун лабораториялар ҳозирлаш ишларига жалб этилди. Румянцев кутубхонаси ёнгинасидаги икки қаватли бино университет эҳтиёжи учун ажратилди. Бу ерга Тошкентга юборилаётган ускуналар, материаллар, кутубхона фонди тўпланабошлади... «Ишларнинг бориши тўғрисида шахсан менга доклад қилинсин», — сўради Владимир Ильич. Ускуналар тез кун ичида сотиб олинди, профессорлар ва ўқитувчилар штатлари тасдиқланди, одамлар йўлга чиқишга тайёр... Йўлга чиқиш эса жуда хавфли эди. Ҳамма ёқда гражданлар уруши давом этар эди, Тошкент—Москва йўқиқриб қўйилган эди. эди. Оренбург фронтини ёриб ўтиш жуда қийин эди. Бинода жойлашганлар 1919 йил 11 сентябрда Оренбург фронти тугатилганлиги тўғрисидаги хабарни жуда катта қувонч билан кутиб олдилар. Энди: «Туркистонда университет бўлади!» деган сўзни баралла айтиш мумкин эди.

...Кейинчалик тарихий бўлиб қолган 159-ҳарбий-санитария поезди фронтдан қайтганига атиги бир неча кун бўлган. Бу поездда 10 та классли, 20 та товар вагони, ошхона, ҳаммом бўлган. Унинг эшикларини мина парчалари шикастлаб ўтган, вагонлар томининг айрим жойлари пачақланган, паровоз тоубаси эса қийшайган эди. Ана шу эшелон ўрмон кенгликларидан ўтиб, Туркистоннинг яйдоқ чўлларидан чиқиб, узоқ Тошкентга биринчи марта тинчлик юклари—китоблар ва дафтарлар, вольтметрлар ва микроскоплар билан йўлга чиқди.

«1920 йил 19 февралда Москвадан йўлга чиқдик. 10 апрелда Тошкентга етиб келдик» — унинг йўлловчиларидан бири Иллария Алексеевна Райкова кундалик дафтарига ана шу сўзларни ёзган эди. Бугунги кунда у Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, биология фанлари доктори. Поезд уруш оқибати туфайли вайрон бўлган йўллардан 52 кун юриб ўтди. Шпаллари кўчириб ташланган жойларда бирмунча тўхтаб қолди.

159-поезд Тошкентга уч марта қатнади. Шундан кейин яна уч эшелон университет учун ускуналар олиб келди. Август ойида эса поездлар ҳамон келиб турибди, университет эса қизғин ишламоқда, дастлабки ўқув йилини бошлашга тайёргарлик кўрмоқда. Унинг учун Полторацкий касалхонасининг территорияси ажратиб берилди. Бу ерда медицина факультети узоқ вақт жойлашиб турди, физика-математика факультети эса биз юқорида эслатиб ўтган кадет корпусининг биносини эгаллади, хотин-қизлар гимназиясининг биносида эса университет идораси, кутубхона, техника ва ижтимоий фанлар факультетлари жойлашди. Туркистон Давлат университети 1920 йил сентябрида ўзининг биринчи ўқув йилини расман бошлади ва бир вақтнинг ўзида юридик жиҳатдан тугилган кунини нишонлади. Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг «ахборотлар»ида 11 сентябрда РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Тошкентда Туркистон Давлат университетини ташкил қилиш тўғрисида декрети эълон қилинди. Декретни Халқ Комиссарлари Совети раиси В. Ульянов (Ленин) имзолаган.

Одатда студентлар ана шу университетни кўпинча дорилфунун деб ҳам аташади. Бу даргоҳ ўзининг тўла маъно ва мазмуни билан чинакам дорилфунунга айланган. У йиллар давомида ўсди, улгайди, камолотга етишди, кенг қулоч ёзди. Тошкент дорилфунуни республикамизнинг қишлоқ ва шаҳарларидан келган юзлаб йигит ва қизларни бағрига олиб ўқитди. Эндиликда унинг жойлашган бинолари бутун шаҳарчага айланиб кетди. Бу университет бағридан Ўзбекистоннинг ўнлаб йирик олий ўқув юртлари мустақил ҳолда ажралиб чиқди. Ҳозирги пайтда республикамизда 41 олий ўқув юртининг ишлаб турипи Тошкент Давлат университетининг катта хизматидир.

...Орадан яна икки ҳафта ўтар. Серқуёш тонгда ана шу даргоҳнинг қўша-қўша коридорлари, қаватлари, аудиториялари яна гавжумлашади. Биринчи қўнғироқ университет сентябри учун олтмишинчи марта чалинади. Ҳаяжонланган биринчи курс студентлари ана шу ёқимли қўнғироқ овози остида аудиорияларга кириб борадилар, битирувчилар эса ўзларининг ўриндиқларига ошиқмай ўтирадилар, деканатлардан ўқитувчиларнинг янги куч, янги ғайрат билан чиқиб келаётганликлари н и кўрамиз.

А. ТЮРИКОВ.



ФАВВОРАЛАР. И. Шоннағомов фотоэтюди.

Абу Али ибн Сино туғилган кунининг 1000 йиллиги олдидан

ХОТИРА КИТОБЛАРИ

Республика «Фан» нашриёти мамлакат етакчи шарқшунос олимларининг Абу Али ибн Сино ҳаёти ва фаолиятининг турли жиҳатларига бағишланган мақолалари тўпламини чиқариб, ўрта аср алломаси туғилган кунининг 1000 йиллигига тайёргарлик даври учун мўлжалланган нашрлар планини ниҳоясига етказди. Ибн Синонинг юбилейига қайта нашр этилган асосий тиббий асари— «Ал қонуни фит тиб» биринчи жилдлари билан бирга яна ўн хил номдаги китоблари босилиб чиқди. Булар орасида Ибн Синонинг «Гигиена тўғрисидаги тазкираси», Ўзбекистон ва қардош республикалар олимларининг ҳакимул ҳозиқ илмий ижоди тадқиқотларига бағишланган асарлари, биографик нашрлар бор. Рус ва ўзбек тилларида чиққан бу китобларнинг жами тиражи 150 минг нусхага бориб қолди.

Ўзбекистон н и н г ҳамма нашриётлари шонли санага бағишланган босма нашрлар чиқарилмоқда. Республикада юбилей тантаналари очиладиган кунгача буюк олим ва мутафаккир ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қиқоя қилувчи 50 тадан кўп янги китоблар, плакатлар ҳамда ранг-баранг открыткалар комплектларини чиқариш мўлжалланади.

(ЎзТАГ).

• *Меҳнат семестри—80*

Отряд маррани эгаллайди

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студент қурилиш отрядлари бу йилги меҳнат семестрида 80 минг сўмликка яқин қурилиш ишларини бажаришга сўз беришган. Шу кунгача отрядларнинг амалга оширган ишлари 500 минг сўмдан ошиб кетди.

Бу ишда тарих факультети студентларининг ҳам ҳиссаси катта. Отряд эллик студент-қурувчидан иборат бўлиб, айни пайтда пойтахт областининг Чиноз районида — 23-трестга қарашли 131-механизация-л а шган кўчма колонна составида меҳнат қилмоқда. Колонна қурувчилари районнинг Ильичевск посёлкасида, «Партия XXIV съезди» совхозида замонавий коттежлар қурилишини бошлаганига кўп вақт ўтгани йўқ. Шунга қарамай, бу ўйлар тез орада қуриб битказилади.

Бу йилги меҳнат семестрида тарихчилар 70 минг сўмлик ўрнига партия XXVI съезди шарафига 80 минг сўмлик иш бажаришмоқчи.

БУГУН

ана шу отряд амалга оширган қурилиш ишлари 45 минг сўмга етди. Отряднинг М. Умаров, Ф. Рамазонов, Т. Тошбоев каби жонкуяр жангчилари бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

— Меҳнат семестрининг сўнгги кунигача, — дейди отряд командири Ю. Эрназаров,— кўзланган маррани эгаллаймиз.

ИЧОН ҚАЛЪАДАГИ ЭКСПОЗИЦИЯ

Хива тарихий-меъморий ёдгорлиги — Ичонқалъа қўриқхонасида «Зарбхона» виставкаси очилди. Унда Хоразмда турли йилларда чиқарилган орденлар ва медаллар, пуллар кўрсатилмоқда.

Экспонатлар орасида Хоразм халқ шўролар жумҳурриятининг Меҳнат ордени ҳам бор. Владимир Ильич Ленин биринчи номерли шу орден билан мукофотланганди. Қўриқхона ходимлари экспонатлар тагига махсус лавҳа қўйдилар. Бу лавҳада шу орденнинг яратилиш тарихи ёзилган. Орденни Хоразмнинг таниқли наққошлари қўлда ясаганлар.

(ЎзТАГ).

Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг «Урожай» лагерида пионер ва ўқувчилар яхши ҳордиқ чиқаришмоқда. Бу ерда уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, спорт мусобақалари тез-тез ўтказиб турилади.

СУРАТДА: «Қувноқ стартлар» мусобақаларида.

В. Коврейн фотоси.

⊙ САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛИГИДА

Замон билан ҳамнафас

Қорақалпоғистонлик медиклар ички органларни операция қилишда, хирургик даволашнинг бошқа баъзи турларида «Скальпель—1» лазер установкасини муваффақият билан қўлладилар. Нукусдаги 1-касалхонанинг хирурглари лазер нури ёрдами билан жуда мураккаб қонсиз операциялар ўтказдилар.

Қорақалпоғис т о н нинг даволаш муассасалари мамлакатдаги катта-катта медицина марказларининг олимлари билан яқин алоқада бўлишлари туфайли шунга эришилди. Жумладан, лазер нуридан фойдаланиб хирургик операцияларни ўтказиш технологияси ҳам ана шу ҳамкорликда ишлаб чиқилди. Автоном республиканинг медиклари илмий тавсияларга амал қилиб, юзлаб энг янги приборларни даволаш практикасига жорий этдилар. Уларни харид этишга ўнинчи беш йилликнинг ўзидагина ярим миллион сўмдан кўп маблағ сарфланди.

Автоном республиканинг қишлоқ районларида соғлиқни сақлаш айниқса тез суръатлар билан ривожланмоқда. Кейинги йилларда бу жойларда ўнлаб поликлиникалар, ихтисослаштирилган касалхоналар, амбулаториялар қурилди. Беш йиллик бошланганидан бери Қорақалпоғ и с т о н АССРдаги врачлар ва ўрта махсус таълим олган медицина ходимлари сони бир ярим баравар кўпайди.

(ЎзТАГ).

КАНАЛНИНГ ПЎЛАТ ИРМОҒИ

Жанубий Мирзачўл каналининг янги лиммолим ирмоғи Сирдарё ГРЭсидан бошланди.

Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институтида иссиқлик электр станциясининг ҳар томонга сув берадиган каналини магистрал канал билан боғловчи нодир сифон конструкцияси ишлаб чиқилди. Диаметри бир метрдан ошадиган 30 қават металл қувурдан иборат бир километрли ўзандан ГРЭС конденсаторларини совутишда ишлатилган 80 кубометр сув ҳар секундда ўтиб туради. Бу сув илгари Сирдарёга оқизиб юборилган бўлса, эндиликда экинзорларга оқади.

(ЎзТАГ).

БУ—ҚИЗИҚ

ҚУЁШ АКТИВЛИГИ ВА ЧИГИРТКА

Қуёш активлигининг зўравонлиги ва пасайиши экин зараркунандаларининг миқдорига, бинобарин, дала ҳосилдорлигига бевосита боғлиқ экан, Украина ўсимликшунослик селекцияси ва генетикаси илмий-тадқиқот институтининг олимлари деҳқонлар учун илк бор мана шу қонуниятга асосланган прогноз тузишга муваффақ бўлдилар.

— Мутахассисларимиз қишлоқ хўжалигининг азалий душманлари — чигирткалар, тунламлар, миталар бўлиб, жами 20 хил зараркунандани кузатдилар,— дейди ишларнинг раҳбари биология фанлари кандидати Е. Белецкий. — Ғалла экинларига катта ҳавф солувчи кенг тарқалган ҳасвани асосий ўрганиш объекти қилиб олдик. Кейинги ярим аср мобайнида шу ҳашаротнинг тарқалиши хусусида йиғилган кузатиш натижалари синчиклаб ўрганиб чиқилди. Уларни қуёш радиациясининг интенсивлиги тўғрисидаги маълумотлар билан қиёслаб, зараркунандаларнинг ёппасига кўпайиш қонуниятларини аниқлаш мумкин бўлди. Натижада зараркунандаларнинг ёппасига қачон таркала бошлаши ва тугашини ҳамда қишлаш жойларида мейдон бирлигидаги зичлигини олдиндан аниқ айтишга имкон берувчи модель ишлаб чиқилди.

Бундай прогноз ҳосилни мухофаза қилиш ишига хизмат эта бошлади. Олимларнинг тавсияларига кўра, республиканинг хўжаликлари зараркунандаларга қарши зарур агротехник ва химик кураш методлари комплексини олдиндан режалаштира бошлади.

В. НАТ,

ТАСС мухбири.

Харьков.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Бугун—Ҳиндистоннинг мустақиллик куни

Лалқалъада байрам

Ҳар йили 15 августда Ҳиндистон Бош министри Деҳлидаги Лалқалъа узра республиканинг зарғалдоқ —оқ-яшил байроғини тантанали вазиятда кўтаради. Мустақил Ҳиндистоннинг давлат байроғи тарихий қалъа узра илк бор бундан 33 йил аввал кўтарилганди. Ўша шонли кунда биринчи Бош министр Жавоҳарлал Неру ватандошларига мурожаат этиб бундай деган эди: «Бугун биз—эркин ва суверен халқмиз. Чет эл ҳукмронлиги асоратини улоқтириб ташладик. Лекин озодликнинг ҳам ўз вазифалари ва масъулияти бор. Биз очлик, ғам-андуҳ ва касаллик нима эканлигини билмайдиган мамлакат бунёд этишимиз керак».

Шундан бери Ҳиндистон халқи ватанининг буюк граждани васиятларини рўёбга чиқариш учун тинмай меҳнат қилди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга қаратилган чоралар туфайли ҳиндистонликлар ўртача умр кўриши 20 йил ошди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши икки баравардан зиёд кўпайди. Мамлакат миллий даромадининг ярмига яқини шунинг ҳиссасига тўғри келади. Мустамлака ҳукмронлиги даврида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши йилида чорак процент ошарди, холос. Ўтган ўн йил ичида Ҳиндистон иқтисодий жиҳатдан каттагина тараққиётга эришди. Ҳозирги вақтда мамлакат пўлат ва прокат, станок ва экскаваторлар, электрон-ҳисоблаш машиналари ва реактив самолётлар, турли саноат машина-ускуналари ва қишлоқ хўжалик техникасини ишлаб чиқармоқда. Ҳиндистон саноатининг мустақиллик йўлига ўтмаётган бирон соҳаси бўлмаса керак. Ядро энергетикаси ва космик тадқиқотларда ишлатиладиган ускуналар ишлаб чиқариш ҳам шулар жумласиндандир. Июль ойида «Рохини—1» Ер сунъий йўлдошининг Ҳиндистон учирувчи ракетаси ёрдамида орбитага учирилиши мамлакат фан-техникаси ютуқларини исботловчи мисолдир.

Ҳозирги вақтда Ҳиндистон саноат маҳсулотлари ҳажми жиҳатидан жаҳондаги олдинги ўнта индустриал мамлакатлар сафига кирди. Мустақиллик йилларида саноат ишлаб чиқариши қарийб тўрт баравар кўпайди. Ҳиндистон экономикаси структурасида ўзгаришлар рўй берди. Давлат сектори ўсди ва мустаҳкамланди. Бугунги кунда у экономиканинг кўмир ва нефть саноати, энергетика, металлургия, оғир машинасозлик, ўғит тайёрлаш, транспорт, алоқа, банк ва страхованиє системаси каби асосий соҳаларида устунлик қилмоқда.

Ҳиндистон раҳбарлари неча бор уқтириб ўтганларидек, социал соҳа ҳамон янги Ҳиндистон қурилишининг энг қолоқ участкаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бойлик билан қашшоқлик ўртасидаги катта тафовут ҳамон сақланмоқда. Индира Ганди ҳукумати аҳолининг энг қашшоқ табақалари манфаатларини кўзлаб бошлаган прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришлар Жаната Парти ҳукумати ҳокимиятда турган пайтда тўхтатиб қўйилди. Ички партиявий зиддиятларга учраган ҳукумат халқ қашшоқ оммасининг оғир аҳволини енгиллаштириш борасида етарлича самарали қадам қўя олмеди. 1979 йилнинг ўзидагина асосий кенг истеъмол моллларнинг нархи 13— 15 процент ошди.

Шу йилнинг январида ҳокимият тепасига қайтган Индира Ганди ҳозирги ҳукумати илгари бошланган ва халққа манзур бўлган ўзгаришларни актив суръатда давом эттирмоқда: батраклар меҳнатига ғарантизланган иш ҳақи минимуми тайинланмоқда, ер ислоҳоти ўтказилмоқда, қишлоқларда заминдорларга ишлаб бериш, судхўрлик тугатилмоқда, камбағалларга уй-жой қурилмоқда, табақачилик бидъатларига қарши кураш чоралари кўрилмоқда. Ҳукумат иқтисодий программаларида давлат секторини яна да ривожлантиришга, қишлоқ хўжалигини юксалтиришга, энергетика проблемаларини ҳал этишга асосий эътибор берилади.

Аммо республика олдида жуда катта кенг кўламли проблемалар турибди. Мамлакатда 290 миллиондан кўпроқ киши расмий қашшоқлик даражасидан паст ҳолда яшамоқда. Улардан ярмига яқини қишлоқ жойлардадир. Ишга яроқли аҳолининг тўртдан бир қисми ё қисман, ёки батамом ишсиздир.

Лекин Ҳиндистон ҳозир қандай қийинчиликларга дуч келаётган бўлмасин, битта ёркин фактдан: мамлакат миллий экономикани мустаҳкамлаш йўлида дарлил олга бораётганлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки, мустақил Ҳиндистон ўтказиб келаётган тинчликсевар ташқи сиёсий йўл уни зайф ва тарқоқ ҳолда кўришни хоҳлаган Америка империалистлари билан Хитой гегемончиларининг режаларига ҳеч тўғри келмайди. Улар Ҳиндистонни таналаб олган йўлидан қайтариб, кўпгина халқаро проблемалар юзасидан, айниқса Афғонистон теварагидаги воқеалар хусусида тутган позициясини ўзгартиришга мажбур қилиш умидларидан ҳанузгача воз кечганлари йўқ. Ана шу мақсадда АКШ билан Хитойнинг махсус хизматлари Ҳиндистон шимоли-шарқида, шунингдек Жамму ва Кашмир штатида миллатчилик ва сепаратчилик кайфиятларини авж олдирмоқдалар, исёнчилар ва сепаратчиларни қуроллантирмоқдалар ва машқ қилдирмоқдалар, мамлакатга жосуслар ва қўпорувчиларни юбормоқдалар.

Ҳиндистон душманларининг ҳар қандай найранглари ҳам халқаро майдонда мамлакатга муносиб обрў бахш этган ташқи сиёсатдан ани воз кечишга мажбур эта олмайди.

Ҳиндистон Кампучия Халқ Республикаси ҳукуматини таниганлиги бунга далил бўлди ва АҚШ билан Хитойнинг Жануби-шарқий Осиёдаги тажовузкорлик ниятларига жиддий зарба бўлиб тушди, Кампучия иқтисодий ва социал тикланиш учун, унга қонли поллотчи режимини яна тиқиштиришга уринаётган ташқи кучларга қарши курашида маънавий мадад бўлди. Жаҳон халқлари Ҳиндистон ҳукуматининг бу қарорини халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун курашини қўллаб-қувватлаёт г а н Ҳиндистон анъанавий сиёсатининг мантиқий давоми деб билдилар.

Ҳиндистоннинг миллий мустақилликни мустаҳкамлаш борасидаги куч-ғайратларини, тинчликсевар ташқи сиёсатини СССР ва бошқа социалистик давлатлар ҳамиша самимий қўллаб-қувватлаб келмоқдалар. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бутун тарихида ҳар икки томон икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш иштиёқида бўлиб, келганлигини кўрамиз.

Совет Иттифоқининг республика давлат секторининг катта-катта корхоналарини —мамлакат иқтисодий мустақиллиги негизини яратишга, саноат турли тармоқлари учун миллий кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссаси Ҳиндистонда ғоят қадрланмоқда. Ҳозирги вақтда Ҳиндистон днёрида икки мамлакатнинг биргаликдаги куч-ғайрати билан қурилган ёки қурилаётган 70 дан кўп завод, фабрика ва бошқа объектлар бор. Ҳиндистон — ривожланаётган мамлакатлар ўртасида Совет Иттифоқи билан кўп савдо-сотиқ қилаётган мамлакатдир.

Экономика, маданият, фан ва техника соҳаларидаги Совет—Ҳиндистон муносабатлари халқларнинг тинчлик ва хавфсизлик идеаллари билан, агрессия ва уруш кучларига қарши мустамлакачилик ҳамма шаклларини тугатиш учун, ўзаро манфаат, тенглик, ҳурмат ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принциплари учун курашдаги муштарак манфаатлар билан руҳланиб турса, ижтимоий тузўми ҳар хил давлатларни нақадар кўп ёқлама ва самарали алоқалар бирлаштира олиши мумкинлигини яққол намойиш этмоқда. Тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1971 йилда тузилган Совет—Ҳиндистон шартномасига айни шу принциплар негиз қилиб олинган эди. Шу шартноманинг навбатдаги санасини Ҳиндистон жамоатчилиги яқинда кенг кўламда нишонлади.

1973 йилда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг, 1979 йилда эса СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг Ҳиндистонга қилган визитлари, Ҳиндистон раҳбарларининг Совет Иттифоқига қилган сафарлари ўсиб, мустаҳкамланиб бораётган Совет—Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлиги йўлидаги муҳим босқичлар бўлди. Шу визитлар чоғида имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат ўртасида самарали иқтисодий ва савдо-сотиқ муносабатларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш учун пишиқ-пухта компас бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик Совет—Ҳиндистон давлатлараро муносабатларининг негизигина бўлиб қолмади. Ҳукуматга яқин «Нэшнл геральд» газетасининг ёзишича, «замон синовидан ўтган Ҳиндистон —Совет дўстлиги — Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омилидир».

Миллий байрам кунида совет кишилари дўст Ҳиндистон халқига социал-иқтисодий тараққиётга эришишда сидқидилдан янги-янги муваффақиятлар тилайдилар.

А. БОҲОНЬКО.

Деҳли.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

СОФИЯ. Болгариянинг Перник округ марказига яқин ерда жойлашган Темелкововаги В. Коларов номли цемент заводида янги технологий линияси ишга тушди. Болгар мутахассисларининг машина-ускуналарни монтаж қилиш ва ишга туширишда кўмаклашган совет ҳамкасблари уларнинг меҳнат ғалабаси қувончини баҳам кўрдилар. Совет ҳамкасблари завод коллективи БКП XII съезди шарафига линияни илгари кўзда тутилган муддатда лойиҳадаги қувватига чиқаришга қарор қилди.

Республикадаги бинокорлик материаллари индустриясининг асосий бўғинларидан бири бўлган Болгария цемент саноати Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги туфайли янги марраларга чиқмоқда.

Болгариянинг СССР билан цемент ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлиги бир неча йилдан буён давом этмоқда. Совет Иттифоқининг ёрдами билан БХР-нинг энг йирик саноат марказларидан бири бўлган Девнин пасттекислигида цементнинг юқори сифатли маркаларини ишлаб чиқарадиган завод қурилди. Бултур шу ерда олтинчи линия ишга туширилган эди. Бу линия корхона қувватини бир йилда 2,2 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқариш даражасига етказиш имконини берди.

СССРнинг ёрдами БКП XI съезди шу беш йилликда ўртага қўйган вазифани — 1980 йилга бориб цемент ишлаб чиқаришни йилига 8,5—9 миллион тоннага етказиш вазифасини ҳал этишга кўмаклашади.

В. БЕСКРОМНИЙ.

ЯПОНИЯ. Америка авиацияси томонидан Японияннинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ядро бомбалари ташланганлигининг 35 йиллигига бағишланган Умуммиллий тинчлик юришининг қатнашчилари атом ва водород қуролларини таъқиқлашга, янги уруш хавфининг олдини олишга даъват этдилар.

СУРАТДА: тинчлик юриши қатнашчилари.

Хуа Гофэн тан олди

ПЕКИН. ХКП Марказий Комитетининг давлат ва жамоат муассасаларида илиб қўйилган «Мао Цзэдун портретлари ва унинг гапларини ёзилган стендлар сонини чеклаб қўйиш» ҳақидаги қарори тўғрисида Синьхуа агентлигининг хабари бу ерда эълон қилинди.

Айни вақтда Синьхуа агентлиги ХКП Марказий Комитетининг раиси Хуа Гофэннинг Югославияда чиқадиган «Виесник» газетасида эълон қилинган суҳбати текстини ҳам таркатди. Хуа Гофэн бу суҳбатида ХКП «маданий революция» даврида «оғир ва жиддий хатолар қилди» ва Мао Цзедун ўша даврда партиянинг раиси сифатида бу хатолар учун жавобгардир, деб тан олади.

«Маданий революция»дан илгарироқ,—деди у,—«ХКП катта хатоларга йўл қўйган эди. Хуа Гофэннинг айтишича, «экономика соҳасида ўтакетган такаббурона ҳаракат» бунга сабаб бўлган.



Йўлдош шаҳар Сергели йил сайин обод ва кўркам бўлмоқда.
СУРАТДА: шу ерда бунёд этилаётган янги турар-жой массивининг бугунги манзараси.
М. Нуриддинов фотоси.

Мўъжизалар оламида

ТАБИАТНИНГ ЖОНЛИ СОАТИ

⊙ СИРЛИ БИР МУДДАТ ⊙ ВАҚТНИ АНИҚ БИЛИБ ⊙ СЕЗГИР АСАЛАРИЛАР ⊙ КАСАЛЛИК ҲАМ ЧЕКИНАДИ ⊙ АНТИҚА ТАЖРИБАЛАР ВА ИХТИРОЛАР

Одамларимизнинг келтирган далилларига кўра, ернинг пайдо бўлганига салкам беш миллиард йил, ундаги оддий ҳаёт эса бундан бир ярим-икки миллиард йил аввал вужудга келган деб фараз қилинади. Шундан бери миллион-миллион йил давом этган шафқатсиз табиий танланиш процессида ҳайвонот ва ўсимликлар орасида энг кучлилари, муайян табиий шароитларга яхшироқ мослашганларигина тирик қолган. Бундай узоқ давом этган эволюция натижасида табиатда ўсимлик ва ҳайвонларнинг катта бир хазинасини яратди. Бу ерда ҳаёт ритмининг бузилиши ёмон шиш пайдо бўлишининг сабабчисидир, деган фикрлар аниқланмоқда. Бу фикрларни тасдиқлаш учун суврак билан қизиқ бир тажриба ўтказиб кўрилди. Тажриба қилинаётган суваракка биологик соати шу суваракникидан ярим сутка фарқ қиладиган бошқа суваракнинг томоқ ганглийи қўйилди. Шундан кейин суварак ҳаёт фаолиятининг ритми икки хил механизм— ўз соати ва бошқа биологик соат билан тартибга солиб борилди. Амалда шундай тажрибага дучор бўлган суваракларнинг ҳаммасида ўрта ичак (меъда) соҳасида ёмон шиш пайдо бўлди ҳамда ҳосил бўлган шу шишлар кўчириб ўтказилганда касаллик бир-бирига тарқалиб, юқиб кетаверди.

Суваракнинг биологик соати бўлмиш томоқ ганглийи гормон ажратиш вақтини тартибга солиш билан шишнинг ўсишини маълум даражада назорат қилиб бориши мумкин. Шуниси қизиқки, ўз биологик соати билан бир тахлитда юрувчи биологик соат кўчирилиб ўтказилган контроль ҳашаротларда ҳеч қандай ёмон шиш пайдо бўлмади. Демак, гап гормон миқдорида бўлмасдан, балки маълум вақтда қонга қанча гормон қўшилиб туришида эканлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган тажрибадан маълум бўладики, организмда биологик соатнинг нотўғри юриши ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин экан. Суваракнинг биологик соат механизми тахминан барча ҳайвонот ва одамнинг биологик соати принципида ўхшаш ишлаши назарда тутилса, бу натижа катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлган кашфиёт эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Айни шу кунларда олимларимиз биологик соатни ҳар томонлама тадқиқ этаётган эканлар, бу соатнинг сирлари аниқ очиладиган вақт келади, деган ниятдамиз. Биологик соат механизмини, унинг ритмини билиш, уларни бошқариш мумкинлиги инсониятга жуда катта имкониятлар очади. Биологик ритмни тезлаштириб экинларнинг етилишини ҳам тезлаштириш мумкин эканлиги аниқланмоқда. Одам биологик соат механизмини билгач, унинг юришини ҳам созлашга эришади. Бинобарин, киши кўпгина касалликлар устидан голиб чиқади. Шу мағлуб касалликлар орасида рак (саратон) ҳам бўлиши ҳеч гап эмас. Врачлар одамдаги биологик соат юришини сунъий равишда ўзгартириб, организмдаги узоқ давом этган касалликларни даволашлари, ҳатто уларнинг олдини олишлари мумкин бўлиб, кексаликни кечиктириб, ёшликни узайтирадиган вақтлар келишини яратадилар.

Т. МАҲМУДОВ,
биолог.

Олимларнинг кузатишларича, организмда ҳаёт ритмининг бузилиши ёмон шиш пайдо бўлишининг сабабчисидир, деган фикрлар аниқланмоқда. Бу фикрларни тасдиқлаш учун суварак билан қизиқ бир тажриба ўтказиб кўрилди. Тажриба қилинаётган суваракка биологик соати шу суваракникидан ярим сутка фарқ қиладиган бошқа суваракнинг томоқ ганглийи қўйилди. Шундан кейин суварак ҳаёт фаолиятининг ритми икки хил механизм— ўз соати ва бошқа биологик соат билан тартибга солиб борилди. Амалда шундай тажрибага дучор бўлган суваракларнинг ҳаммасида ўрта ичак (меъда) соҳасида ёмон шиш пайдо бўлди ҳамда ҳосил бўлган шу шишлар кўчириб ўтказилганда касаллик бир-бирига тарқалиб, юқиб кетаверди.

Суваракнинг биологик соати бўлмиш томоқ ганглийи гормон ажратиш вақтини тартибга солиш билан шишнинг ўсишини маълум даражада назорат қилиб бориши мумкин. Шуниси қизиқки, ўз биологик соати билан бир тахлитда юрувчи биологик соат кўчирилиб ўтказилган контроль ҳашаротларда ҳеч қандай ёмон шиш пайдо бўлмади. Демак, гап гормон миқдорида бўлмасдан, балки маълум вақтда қонга қанча гормон қўшилиб туришида эканлиги маълум бўлди.

Шундай қилиб, юқорида баён этилган тажрибадан маълум бўладики, организмда биологик соатнинг нотўғри юриши ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин экан. Суваракнинг биологик соат механизми тахминан барча ҳайвонот ва одамнинг биологик соати принципида ўхшаш ишлаши назарда тутилса, бу натижа катта ва муҳим аҳамиятга эга бўлган кашфиёт эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Айни шу кунларда олимларимиз биологик соатни ҳар томонлама тадқиқ этаётган эканлар, бу соатнинг сирлари аниқ очиладиган вақт келади, деган ниятдамиз. Биологик соат механизмини, унинг ритмини билиш, уларни бошқариш мумкинлиги инсониятга жуда катта имкониятлар очади. Биологик ритмни тезлаштириб экинларнинг етилишини ҳам тезлаштириш мумкин эканлиги аниқланмоқда. Одам биологик соат механизмини билгач, унинг юришини ҳам созлашга эришади. Бинобарин, киши кўпгина касалликлар устидан голиб чиқади. Шу мағлуб касалликлар орасида рак (саратон) ҳам бўлиши ҳеч гап эмас. Врачлар одамдаги биологик соат юришини сунъий равишда ўзгартириб, организмдаги узоқ давом этган касалликларни даволашлари, ҳатто уларнинг олдини олишлари мумкин бўлиб, кексаликни кечиктириб, ёшликни узайтирадиган вақтлар келишини яратадилар.

ФАН—БЕШ ЙИЛЛИККА

ПЛАЗМА УРУҒНИ ДАВОЛАЙДИ

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалигини электрлаштириш илмий тадқиқот институтининг олимлари яратган водород—плазма установкасининг иш камерасидан ўтиш учун уруққа секундининг бир неча улуши кифоя. Шу ғоят қисқа муддат ичида уруғлик замбуруғ касалликларидан тамомила ҳоли бўлади ва бундан ташқари яхши ўсадиган бўлади.

Янги установка—уруққа экишдан олдин ишлов берувчи мавжуд машиналарнинг энг самаралисидир. Уни бир киши ишлатади ва бир соатда 2,5 тонна уруғликни бўлғуси касалликлардан ҳоли қилиб чиқаради. Уруғларга химиявий ишлов бериш методлари бекор қилинаяпти,—дейди установканинг бунёдкори, институт лабораториясининг мудири П. Панарин. — Ўргатилган плазма хавфсиз, илдиз чириш касалликларини йўқотади, уруғ ўсиш қувватини оширади.

Установкада уруққа электромагнит инфрақизил ва ультрафиолет нур таъсир эттирилади. Бундай муҳит уларнинг биологик структурасига самарали таъсир кўрсатади. Тажрибалар уруққа водород плазма муҳитида ишлов бериш донли экин ҳосилдорлигини, дондаги оқсил миқдорини оширишни кўрсатди.

ТАСС.

◆ САЕҲАТ—РОҲАТ

СЎЛИМ ТАБИАТ БАҒРИДА

Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 6-трестнинг механчилари дам олиш кунларини кўнгилли ўтказишяпти. Кўпчилик ишчилар Чоткол тоғлари бағрига ва Тошкент денгизи соҳилига тез-тез оилалари билан бориб, мусаффо ҳаводан баҳраманд бўлишади.

Трест бирлашган касаба союз комитети ишчиларининг коллектив бўлиб дам олишини уюштиришга алоҳида эътибор берялти. Жумладан, кейинги пайтда хушманзара Чимёнга тўрт марта сафар уюштирилди. Ана шу сафарларда 200 га яқин винокор қатнашди. Бундан ташқари меҳнат отпускасига чиққан ишчи ва хизматчиларга туристик сафарларга, дам олиш уйлари ва шифохоналарга йўлланмалар берилялти. 7-қурилиш бошқармасининг дурадгорлари Г. Кудинов ва А. Норбобоев Пятигорск-даги шифохоналардан бирида саломатликларини мустаҳкамлашди. 32-қурилиш бошқармаси ишчиси Г. Великанов эса дам олиш уйида бўлди. Ўтган ойларда ҳаммаси бўлиб, 30 киши шифохона ва дам олиш уйларида меҳнат отпускасини ўтказди. Йигирмага яқин киши эса мамлакатимиз бўйлаб ва чет элларга саёҳатга бориб келди.

АЛЛОМА ПОРТРЕТИ

Бухоронинг зардўзлари Ўзбекистонда таниқли чевар тиккан янги иш тўғрисида «Қуёш нурининг бир толими камроқ бўлиб колди: уни Тамара Ғайбуллаева игнасига такиб юборди» деб баҳо бердилар. У зангори шохига зар ип билан Абу Али ибн Сино портретини тикди.

Чевар ўрта аср алломасининг образини яратишга қизиққанлигига сабаб Ҳакимул Ҳозиқ таваллудининг 1000 йиллиги якинлашиб колганлигининг ўзигина эмасди. Олим замонида ва Октябрь ғалабасигача эса 68 сўмдан 80 сўмгача ҳажмда стипендия оладилар. Бошқа жойлардан ўқишга келганлар ётоқхона билан таъминланмайдилар.

Ўқувчилар граждан авиацияси формасини оладилар.

Билим юртини аъло баҳоларга тугатганлар институтларга, техникумларга юборилдилар.

Билим юртига киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), яшаш жойидан справка, саломатлиги ҳақидаги справка ва ота-онасининг иш жойидан справка. 6 дона фотосурат (3х4 см.), ўқиш жойидан характеристика.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар. Граждан авиациясининг «Авиасозлар шаҳарчаси» (25, 66, 61, 39-автобусларнинг «Авиагородок Г. А.» бекати, 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекати). Телефонлар: 99-96-46, 99-97-10, 99-96-03.

РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА

КИНО

15 АВГУСТДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БУНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН» — **Дружба.**
«ОҚ ЛАЙЛАКЛАР МАМЛАКАТИДА» — **Москва.**
«ХУШ КЕЛИБСАН, ЭСТОНИЯ!» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**
«АВИАЦИЯ МАРШАЛИ» — **Восток.**
«БЛЕФНИНГ ҲАЛОКАТИ» — **Лисунов номли.**
«МЕНИНГ БИРИНЧИ ШАҲРИМ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ИЗҚУВАР» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.45, телефон: 44-39-51), **Тинчлик** (16.30, 21.00 телефон: 53-86-07), **Мир** (17, 20.00, телефон: 91-08-30).

«АРТИСТ»НИНГ ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛИ» — **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон: 53-65-87), **Искра** (16, 18, 19.45, телефон: 39-11-76), **Ҳамза номли** (тоқ соатларда, телефон: 91-10-51).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ТАЖРИБА-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА:

токарлар, фрезерчилар, йўнувчилар, силлиқловчилар, йиғувчи-слесарлар, металл кесиш ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарлар, электр-газ пайвандчилар, қолипловчилар, чўян қуювчилар, рангли металл қуювчилар.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Совет Армияси майдони, район ижроия комитети.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг
ТОШКЕНТ ҲУНАР-САВДО БИЛИМ ЮРТИ
МАХСУС ГРУППАЛАРГА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МЕТОДИ БЎЙИЧА ИШЛАЙДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА САНОАТ ТОВАРЛАРИ МАГАЗИНЛАРИ УЧУН ДЕКОРАТОР-БЕЗАКЧИЛАР.

Ўқиш муддати—2 йил.

Кирувчилар рус тили (диктант) ва расмдан кириш имтиҳонлари топширадилар.

САВДО АВТОМАТЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА СЛЕСАРЛАР.

Ўқиш муддати—1 йил. Бу группага кирувчилар билан суҳбат ўтказилади. Бу группаларга тўлиқ ўрта маълумотли, 25 ёшгача бўлган ва Ўзбекистон шаҳарларида яшовчилар қабул қилинадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар. Стипендия тўланади.

Ўқиш 1 ноябрдан бошланади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: билим юрти директори номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, характеристика, область халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг савдо бошқармасидан ёки шаҳар халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг савдо бўлимидан йўлланма.

Билим юртининг адреси: Тошкент —700173, Акмал Икромов районы, Чилонзор массиви, Бобир кўчаси, 3-уй. (4, 9, 19 трамвайларнинг «Чўпон ота», 13, 70-автобусларнинг «Тез меднцина ёрдами» клиник касалхонаси» бекатлари). Телефон 78-44-30.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
1980—81 ўқув йилига
граждан авиациясининг 243-заводи қошидаги
121-АВИАРЕМОНТ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун (8-синф ҳажмида маълумотлиларга ўқиш муддати— 3 йил, ўрта маълумотлиларга ўқиш муддати 1— йил) **қуйидаги мутахассисликлар бўйича**

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учиш аппаратларини йиғувчи-парчинловчилар, учиш аппаратлари бўйича ремонтчи-слесарлар, самолёт агрегатлари ремонти бўйича слесарлар, учиш аппаратлари асбоб-ускуналарининг электромонтажчилари, механика-йиғув ишлари слесарлари, токарлар, газ-электр пайвандчилар.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10-синф ҳажмида маълумотли Тошкентда яшовчи ва бошқа ерлардан келган йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқишни битирганлар граждан авиациясининг 243-авторемонт заводида ва граждан авиацияси Ўзбекистон бошқармасининг бўлинмаларида ҳамда бошқа шаҳар корхоналарида ишлайдилар.

Завод ишчилари отпуска вақтида самолётларда бирон ерга учганда имтиёзли билетлар ва граждан авиацияси ходимларининг яна бошқа имтиёзларидан фойдаланадилар.

Ўқиш даврида 3 йиллик муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар.

Бир йил ўқийдиганлар эса 68 сўмдан 80 сўмгача ҳажмда стипендия оладилар. Бошқа жойлардан ўқишга келганлар ётоқхона билан таъминланмайдилар.

Ўқувчилар граждан авиацияси формасини оладилар.

Билим юртини аъло баҳоларга тугатганлар институтларга, техникумларга юборилдилар.

Билим юртига киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: директор номига ариза маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (ёки паспорт), яшаш жойидан справка, саломатлиги ҳақидаги справка ва ота-онасининг иш жойидан справка. 6 дона фотосурат (3х4 см.), ўқиш жойидан характеристика.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар. Граждан авиациясининг «Авиасозлар шаҳарчаси» (25, 66, 61, 39-автобусларнинг «Авиагородок Г. А.» бекати, 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекати). Телефонлар: 99-96-46, 99-97-10, 99-96-03.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги базасидаги
104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1980—1981 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автоматика ва контроль-ўлчов приборлари бўйича слесарь, ёритиш асбоблари, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электр монтажчи, юқори вольтли электр ўтказиш линиялари монтажи ва ремонти бўйича электромонтёр, автомобиллар ремонти бўйича слесарь, электрпайвандчи. 8-синфни битирган, 15 ва ундан юқори ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқувчилар уч марта иссиқ овқат, кийим-кечак билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси даврида пул билан тақдирланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битириб чиққан ўқувчилар олий ўқув юртларига юборилади.

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИЛАР ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА БИР ЙИЛЛИК ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ: **автоматика ва контроль-ўлчов приборлари ремонти бўйича слесарь, юқори вольтли электр ўтказиш линиялари монтажи ва ремонти бўйича электромонтёрлар, станция ва подстанцияларнинг тақсимлагич мосламалари бўйича слесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.**

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲОЛАР БИЛАН БИТИРИБ ЧИҚҚАН ЎҚУВЧИЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЮБОРИЛАДИ. СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ЗАПАСГА ЎТШАТИЛГАН ВА ЎРТА МАКТАБНИ ТАМОМЛАБ ЧИҚҚАН КИШИЛАР ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА КИСҚА МУДДАТЛИ ЎҚИШ КУРСИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР: **юқори вольтли электр узатиш линияларини монтаж қилиш ва ремонт қилиш бўйича электромонтёр, қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, қувур агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, электрс-слесарь, иссиқлик билан ишловчи кучланиш асбоб-ускуналарининг ремонти бўйича слесарь, электр пайвандчи** (электр асбоб-ускуналарининг монтажчиси).

Ўқувчилар қисқартирилган программа билан шуғулланадилар ва ўқиш даврида 75 сўм миқдорида стипендия, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида пул мукофотлари оладилар. Битириб чиқувчилар билим юртини тамомлаганларидан кейин белгиланган формада аттестат оладилар.

Битириб чиқувчиларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги корхоналарида ишлайди. Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга автобус хизмат кўрсатади. Билим юртининг ётоқхонаси бор.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмда 3 дона фотосурат. Туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, паспорт, ҳарбий хизмат гувоҳномаси, ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

МАШҒУЛОТЛАР—1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Адрес: 702169. Тошкент области, Оржоникидзе районы, ТошГРЭС посёлкаси (111, 115-автобуслар Олой базоридан қатнайди, «ТошГРЭС посёлкаси» бекати). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча телефонлар: 6-26, 3-05, 6-26, 8-05.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

15 АВГУСТ —ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.00 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССРда хизмат кўрсатган учувчи М. М. Громов билан учрашуви. 18.55 «Олимпиада-80». 23 июль кинокундалиги. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Мцири». Фильм-балет. 20.25 «Алвон дала». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 СССР халқ артисти Е. Образцова ва Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси рус халқ чолғу асбоблари академик оркестрининг концерти. Танаффус пайтида (22.55) — «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 23.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Бир том остида». Болалар учун мультфильм. 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ноқоратупроқ горизонтлари». 2-кўрсатув. 19.00 «Фестиваль учрашувлари». Ҳужжатли фильм. 19.15 «Биллур денгиз» ижоқорлари». Андижон сув омбори қурувчилари ҳақида телеочерк. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод гулшани». Тележурнал. 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбек куйларидан концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Оламда нима гап!». Халқаро воқеалар шарҳи. 22.35 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (рус.). 23.50 Кўрсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Болалар учун фильм. «Волочаевка болалари». 20.50 «Океан эллариҳа». Ҳужжатли фильм. 21.20 «Қуёшли ўлка маршрутлари бўйлаб» (рус.). 21.50 «Ҳамкорлик». Ҳужжатли фильм. 22.40 «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.

16 АВГУСТ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Моҳир қўллар». 10.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.05 «Жаҳон халқлари ижоди». Ҳиндистон. 11.35 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 12.05 «Рассомлар ҳақида қиссалар». Н. Рерих. 12.30 «Спортлото» тиражи». 12.45 «Голиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 14.00 «6.000 миллик қўприк». Совет Куба иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисида ҳужжатли фильм. 14.20 «Адресимиз— Совет Иттифоқи». Сочидан олиб кўрсатилади. 14.55 «Дунё воқеалари». 15.10 Болалар учун. «Зебранн ўғирлаб кетилди». Телевизион бадиий фильм. 16.20 «Изувчи ва замонавийлик». Кўрсатувни СССР Давлат мукофоти лауреати Д. Гранин олиб боради. 17.25 «Самовий дорбозлар». Фильм-концерт.

17.50 Мультфильмлар программаси. 18.20 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати. 18.50 «Олимпиада-80». 24 июль кинокундалиги. 19.10 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.55 ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театри фильм-спектакли премьераси. 21.30 «Время». 22.05 Фильм-спектаклнинг давоми. 23.00 Латвия ССР халқ артисти Раймонд Паулс чалади. Ригадан олиб кўрсатилади. Кўрсатув тугагач (23.30)— Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

22.20 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 23.00 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 23.15 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 24.00 Москва кўрсатувларининг охири.

Узбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Сергашвиш ёш». Телевизион миниатюралар театрининг спектакли. 11.10 М. Горький номли Фарғона музикали драма театрининг артистлари М. Шомуродова ва И. Султонов концерти (такрорий). 11.50 «Ўзбекистон спорти». 12.20 «Рақс қўйнтувчиси». Иркутск музикали комедия театрининг спектакли. 14.50 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».

16.15 Кўрсатувлар программаси. 16.20 «Қизғанчиқ Қизи». Болалар учун қўғирчоқ фильм. 18.30 «Шоирлар— болаларга». 19.00 В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг 60 йиллигига. «Фанга бағишланган умр». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Интерцирк—80». Цирк программаси. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Ҳабиба Оҳунова концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Овуқа ишлаб чиқариш резервлари». 22.20 Хоразм филармониясининг солистлари ва Туркманистон ССРда хизмат кўрсатган артист Бобомурод Ҳамдамов концерти. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Гулхан» (рус.). 17.55 Янгиликлар. 18.15 Ёшлар учун программа. 19.10 Москва. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.55 «Кўл бўйидаги тароналар». Фильм-концерт. 20.25 «Ахбор». 20.50 Концерт. 21.30 Душанба кўрсатувларининг охири.

«Интурнет» ЕАО бўлинмасининг Тошкент шаҳридаги ташкилоти коллективи Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги чет эл туризми бошқармасининг бошлиги Н. Ҳ. Ҳикматуллаевга онаси

Меҳри ИСМАТУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83, совет қурилиши ва қўриқ — 32-54-19 фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10, адабиёт ва санъат — 32-56-81, ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпар. варлик ишлари — 32-55-32 хатлар—33-29-70; аъзолар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

15 АВГУСТ, 1980 й. Р—16524 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Б—2148.